

*Хосият Рустамова*

# 40:0

*Шеърлар*

Тошкент  
«ISTIQLOL»  
2011

84(59)7-У.б. ағзб

УДК 821.512.133-1


ББК 81.2

P21

Оламлар сари тинимсиз бўйлаб борадиган бир олам мавжудки, унинг отини ШЕЪРИЯТ дейдилар. Бу дунёнинг оҳанглари, ранглари ўзга оламларнинг сифатларига асло мос келмайди. Бу дунё фақат инсон кунгли айтган ТИРИК СЎЗ билан яшайди. Шу орқали чинакам шеърият яралади. Хосият Рустомова ана шундай оламнинг таниқли вакиласи. У Ҳаёт ва Видо, Табиат ва Инсон, Меҳр ва Муҳаббат ҳақида ўз сўзини айтиб келаётган шоира. Унинг сизга тақдим этаётган навбатдаги китобида янги шеърлари урин олган. “Мен қаерга жойлашганман?” номли туркум қатралардан иборат кайфият чизгилари илк маротаба китоб шаклида тақдим этилмоқда.

Ҳурматли китобхон! Шоира билан навбатдаги ғойибона учрашув Сизни қувонтиришига ишонамиз.

1040191  
191



# 40:0

**Чунки биз, ўзимиз бўлмаган жойдамиз.**

**Пьер-Жан Жюв**

0:04

Майли мендан қолсин шеър –  
совға,

Озми-кўпми яшадим қочиб.

У дунёга кетмасин яна –

Бу дунёнинг кўзлари очик.

## ҲАЁТ

О, қандай ўтказиб юбординг тирик,  
Бутун чиқармикан тегирмондан тош?!  
Мен Сенинг қаршингда туриб типпа-тик,  
Қўшқават ёқамдан чиқараман бош.  
Тишимни тишласам, кўзга ёш инди!  
Бор экан менда ҳам оқибат, инсоф.  
Балки қўрқмасам ҳам бўлади энди —  
Чунки мен ютялман — 40:0 ҳисоб!

40:0

\*\*\*

Яхшиям боғланиб қолганман шеърға,  
Яхшиям бор экан уй, бола-чақам.  
Бугун шу умримнинг бир бурчагига —  
Ёзилиб турибди қирқинчи рақам.  
Энди мен Худога қилайинми арз,  
Менинг бу қилиғим кимга ёқарди?!  
Наҳот шу ёшимда кўнглим кетди дарз?  
Бир ишни ёлчитмай сочим оқарди.

\*\*\*

Кўзимнинг ёшлари ювиб губорни —  
Йиғлагим келганди ўшанда ичдан.  
Айта оласанми,  
Эсингда борми,  
Қандай шароб эди ўша мен ичган?  
Қанча совуқ сувга юзимни чайдим,  
Шунда ҳам кўринар ранглар фақат оқ.  
Бошим айланмаса, маст бўлмасайдим —  
Бу дунёда қолмасдим узоқ.

\*\*\*

Ўзига келолмай шамол ер ичин,  
Қай тоғу тошлардан келгандай эниб.  
О, мен ҳам юрибман йўқолиб тинчим —  
Дунёни бошимга кўтаргим келиб...

## ОНАМ

О, бахтли бўлишга бўлмаган вақти,  
Мудом таъқиб этиб келган қайғу-ғам.  
Чўчитиб қўйишдан қўрққандай бахтни —  
Ҳамиша шивирлаб гапирар онам.



\*\*\*

Худоданми — Фалакдан,  
Совутиб қўйди юзни.  
Эритолмай ҳалакман —  
Юрагимдаги музни.  
Турибман шимариб енг,  
Ўтин терилган. Йўл берк.  
Авайлайман сени мен —  
Сўнгги гугурт чўпидек...

## ЁЗ

Уч-тўрт кунлик умри борми-йўқ,  
Топмагандай дунёда эъоз.  
Вужудида ёниб олов-ут,  
Чуқур-чуқур нафас олар ёз.  
Аямайди ҳаёт ҳеч кимни,  
Бенасиба қолмас ер юзи.  
Энди кўзи илинган ернинг,  
Қўлтиғидан тушар тарвузи.

\*\*\*

Гийбатчи кун қия ясаркан қилдан,  
Куйдирмажон қуёш бўлганда нақ қирқ.  
Осмону фалакнинг муҳаббатидан  
Ернинг танасига ўтади иссиқ.

\*\*\*

Ер тирнаб, ўзини ўлдириб итлар,  
Қоп-қора тунларга сочар қаҳрини...  
Кетмоқда тоғларни олиб бургутлар —  
Остига яшириб қанотларининг.



\*\*\*

Босганда ер юзини,  
Тоғ-тоғ уюм ғаллалар.  
Ұйнатар қуш кўзини —  
Дон ортган аравалар.  
Бутун жумлаю башар,  
Қолганда одам бўлиб.  
Қафасдаги қуш яшар —  
Қўл учида кун кўриб.

\*\*\*

Бу дунёни назарга илмай,  
Эгатда сув шодон най чалар.  
Ғўзаларнинг гапига кирмай —  
Қаҳ-қаҳ урар кўсакваччалар.  
Бўлмас сира насиҳат қилиб,  
Сал ёмонроқ чиқди давраси.  
Бир гап айтсанг, кетар отилиб —  
Кўзларининг астар-авраси.




\*\*\*

Тезроқ ота қолса тонг,  
Қолди оёқ уюшиб.  
Нима қиламан Осмон —  
Бошимга кетса тушиб?  
Ёпишиб қолган лабим —  
Қўрқиб кетдим. Қотди бош.  
Нақ улкан ёнғин каби —  
Чиқиб келмоқда қуёш.

\*\*\*

Оғринмай суярди ёшу қарини,  
Отам тиргак эди ҳаммага бирдек.  
Бугун зўрға босар оёқларини —  
Ер билмай йиқитиб қўядигандек.  
Сездирмас эди ҳеч бировга ғамни,  
Кўксига ботса ҳам аламнинг тиғи.  
Икки ҳафтадирки, шўрлик отамни  
Ҳолдан тойдирмоқда оёқ оғриғи.  
Менинг мағрур отам билмасдан қолди,  
Хаёлин ўғирлаб олди дала, боғ.  
Мен яхши биламан, сезганда олдин —  
Бу ернинг юзига қўймасди оёқ.





40:0



\*\*\*

Турар афти буришган тўнка —  
Кўкрагида яшириб тошни.  
Бутун дунё кўтарар кўкка —  
Истараси иссиқ қуёшни.

\*\*\*

Кўрқмайман, бу фалак чархласа чархин,  
Дунё жим ортимдан тушганида ҳам.  
Фақат шеър ёзаман.  
Яна бир айбим —  
Одамларни яхши кўраман!

\*\*\*

Шамол аччиқланиб гоҳ,  
Тескари бурар юзин.  
Қарайди бошдан оёқ —  
Кўзи сузилган узум.  
Кўлмакларда қуш ини,  
Хазон-ла ётар чириб.  
Куз ўтади кўксини —  
Пуч ёнғоққа тўлдириб.

\*\*\*

Қийналса ҳам асло чўкмас тиз,  
Эртаю кеч турар типпа-тик.  
Йўлақларда қолдириб из-пиз,  
Бирорта қуш қоқмайди эшик.  
Кўкрагини ўтмайди кериб,  
Шамолларнинг йўқ каби вақти.  
Яхшиямки, баҳорга келиб —  
Дарахтларнинг очилар бахти.

## ЁНФОҚ

Сал бўлмаса очар кафтини,  
Тошни ёмон кўрар итидан.  
Бужмайтириб қўяр афтини —  
Бош чиқариб яшил пўстидан.

\*\*\*

Дуч келгандай илк дафъа хатар,  
Ютган каби замин бошларни.  
Ёмон кўрар жинидан баттар,  
Денгиз сувга чўккан тошларни.

40:0



\*\*\*

Агар индамасанг қўйиб ҳолига,  
Ёки бош-бошини турмасанг қирқиб.  
Бақиргиси келар бор овозида,  
Токлар деворларнинг устига чиқиб.  
Ёз қўшни томгача ёйганида сеп,  
Уч ойлик баҳорнинг олиб дарсини.  
Қўшни деворлардан мўралайман, деб —  
Анор ёриб олар пешонасини.

\*\*\*

Кетаман ҳаётдан йўлимни буриб,  
Жонсиз бир суратман — Мусаввир чизган.  
Бошимга чиқади қуш бўла туриб,  
Онам бўла туриб хом сут эмизган.  
Кимдан гина қилай,  
Арз қилай кимга,  
Ўзимни қаерга қўяй айна дам?  
Балки шунинг учун таъм йўқ шеъримда —  
Балки шунинг учун фикр айниган.

40:0

\*\*\*

Боқиб боғнинг рангу рўйига  
Қовуштирар қўлини беҳол.  
Ғуноҳини олиб бўйнига,  
Ер чизганча турар мажнунтол.  
Қалдирғочлар келиб мўлтирар,  
Тополмасдан оғочларини.  
Дарахтларда тоқлар ўлтирар,  
Чалиштириб оёқларини.

\*\*\*

Шамол кучли эсди... Ва, ёмғир,  
Ерга ботиб кетдими танинг?  
Ё кимгадир ботдими оғир —  
Деразамни қўриқлаганинг?  
Не кўз билан турибман кўриб,  
Сенинг мурданг, уч-тўрт қарғани.  
Балки менга айтмоқчи бўлиб,  
Тортгандирсан роса пардани.  
Оҳ, жонима менинг ўлмаган,  
Чидар еру осмон қаҳрига.  
Ўлиш шартми, бўлар-бўлмаган —  
Шамолларнинг силтаганига.

\*\*\*

Ҳатто қўлим бормас қувишга,  
Сенда не айб, ит бўлса зотинг!  
Вақт сарфлашга, тиш синдиришга —  
Арзийдиган суякни топдинг.

\*\*\*

Кетгандим ҳаётнинг ичига кириб,  
Бирор бир кунини қилмасдан канда.  
Илоҳим, ўлмасдан қолмай йиқилиб —  
Кўнглим айнимасин Ҳаёт деганда.

\*\*\*

Иш қизиди.  
Тупроқ тортди нам,  
Ерда қуёш акси ярақлар.  
Пасту баланд девор ортидан —  
Мўралашиб қарар дарахтлар.  
Замин қолар янаям омон —  
Совуқ сувга босиб ҳоврини.  
Ва кун бўйи чарчаган кетмон —  
Ўртасида қолар ҳовлининг.

## АНҲОР

Сенинг сабр косанг тўлиб-тошдими —  
Юзага чиқардинг дуру гавҳарни?  
Баъзан алжираган сувлар тошқини,  
Ғарқ қилмоқ пайида балиқчаларни.  
Ўтиб кетаётиб кўраман баъзан,  
Ўзи ҳам уялиб кетар ариқлар.  
Балки шунинг учун совуқ сувни ҳам,  
Пуфлаб ичар оғзи куйган балиқлар.

\*\*\*

Бўлди. Етар. Энди мени тупроқлик қил,  
Ўз уйимга бир ўзимни кирмоқлик қил.  
Ё Раббимо, қўрқоқлик қилди, демагин —  
У ён отма, бу ён отма, бир ёқлик қил!

\*\*\*

Мана, қўрқмасликни ўргандим энди,  
Қанча йиллар ўтди ахир орадан.  
Кўрасан. Бир куни етаклаб Сени —  
Тушларимга кириб бораман.

40:0

\*\*\*

Сўрамайди тун ижозат —  
Ўтар қўрқмай кечасидан.  
Уйқу келар беҳижолат —  
Билмас ярим кечани ҳам.  
Билмадимми?  
Қоронғуда —  
Қайси жинлар урган эди?  
Шу маҳалда, уйқу, Сенга —  
Кўзим учиб турганмиди?

\*\*\*

Во дариф!  
Мен билан бўласанми тенг,  
Айбим — айтганингни қилмаганимми?  
Ундан кўра уриб-тепкиламай Сен —  
Ўргатсанг бўларди билмаганимни.  
Салгина нарсага қиласан жаҳл,  
Сени эсласам ҳам титрайди қўлим.  
О, ҳаёт!  
Қачонги ҳаётсан, ахир,  
Ўзим ҳам қачонги —  
Қирқ йиллик Ўлим?!

\*\*\*

У ҳаётнинг ёз-у қишида,  
Шамол каби бўлмади бахтли.  
Бир тошюрак ернинг ишқида —  
Умри хазон бўлди дарахтнинг.

\*\*\*

Бир ҳамла қилсам бас —  
Оламан кўкни,  
Ҳали қувватимни Худо олмаган.  
Ернинг остида ҳам бирор жой йўқки,  
Менинг иддизларим кириб бормаган.



\*\*\*

Айтсам ишонмайсан — борман ҳали ҳам,  
Елкамга юкланган турт фасл, турт қиш.  
Ўзи бўладими, қирқ йил наридан —  
Энг оғир юракни кўтариб келиш.  
Чарчадим. Оғриқлар кўксимга ботди,  
Бу ҳолда дунёдан ўтаман қандай?  
Юрагим тўхтади бир зум — Ҳаётнинг  
Қўрқинчли жойига етиб келгандай.

\*\*\*

Юлдуз — тунга санчилган ўқ,  
Ой пичирлар ичида.  
Номус қилиб айланар кўк —  
Оёғининг учида.  
Қимир этмас ер соқчидай —  
Оқа бошлар сув тиниб.  
Ойни узиб олмоқчидай —  
Тун шимарар енгини...

40:0

\*\*\*

Нимадир янгилик борми “ярқ” этган?  
Ер титраб турибди.  
Кўкда йўқ гурур.  
Токи бошимизда Осмон бор экан,  
Бош эгиб яшашга мажбурмиз. Мажбур!

\*\*\*

Шифтда қалдирғочлар ёймоқда кулоч,  
Куёш ер юзига сочмоқда зиё.  
Болам! Болажоним!  
Кўзларингни оч —  
Ҳазиллашганни ҳам билмайди Дунё.

40:0

\*\*\*

Кўзларимдан дув-дув оқиб ёш —  
Токлар каби турганимда жим.  
Танглайимда ётганида тош,  
Кўрмасмидим бу қадар зулм?  
Кўрқинчлими, ҳаёт, ҳар онинг —  
Бир гап айтмай йиғлар ичида?  
Бор алами аччиқ бодомнинг —  
Тилларининг турар учида.  
Тегма, яшаб турибман аранг,  
Ўтдим умр бўйи талқон еб.  
Эзаверсанг, эзфилайверсанг,  
Ўтирмайман юзинг-кўзинг деб.

\*\*\*

Ҳаёт олиб кетар мени ҳам,  
Сенга эса етар ўз ғаминг.  
Ўлим эмас номи...  
Йўқ, ҳечам —  
Мени олиб кетган нарсанинг.  
Келармиди бошимга насим —  
Қолмасмиди қўрқувдан қотиб?  
Яна пасткаш ўлим юрмасин,  
Дўлписини осмонга отиб.  
Яшайверсин ҳали хотиржам,  
Китобларим қадрини билиб.  
Мен дунёни ташлаб кетаман —  
Бош-кўзимдан садақа қилиб.



40:0



\*\*\*

Бутун кекса дарахтлар учун —  
Умр сўраб эгилар новда.  
У билмайди — бу дунёйи дун —  
Қарз бергиси келмас бировга.

\*\*\*

Беҳиларни саваласа тун,  
Ер-у кўкдан сўрарди ёрдам.  
Танимайди ҳеч кимни бугун —  
Кўзларини ёғ босиб қолган.

40:0

\*\*\*

Йўл бошида турган кекса тол,  
Бу дунёга этагин қоқди.  
Раҳми келиб эркалар шамол —  
Даладаги ҳар туп бошоқни.  
Қатор бўлиб саккиз-ўн арча,  
Бекинмачоқ ўйнаб турган чоқ.  
Бош кўтарар илдизигача —  
Кўй-қўзи еб битирган ўтлоқ...

\*\*\*

Жимиб кетар шамол анча пайт,  
Сув сепилган каби боғ жим-жит.  
Ҳар кунингни дунё қилар қайд —  
Балки шундан кўнгиллар ҳижил.  
Қайга кетдинг?  
Кўринмас қоранг,  
Ҳаёт, уйдан қарайман қўрқиб.  
Сен ҳам боғлар каби жим турсанг,  
Бақирардим ҳумордан чиқиб.



\*\*\*

Шу ҳам гап бўпtimi,  
Яхшими шу иш —  
Ажрата бошласам дўст-у ғанимни?  
Мен бугун йиғласам —  
Чиқариб товуш —  
Биламан, нимага йиғлаганимни.

## БАҲОР

Сал илиқлик ўтиб танига,  
Қуёш каби кўтариб кўксин.  
Елка тутиб бир-бирларига  
Токлар кўкка бўй чўзар секин.

40:0

\*\*\*

Икки ёнга ағдариб тунни,  
Шудгор қилиб юрган кезларим.  
Ҳар томонга отиб шовқинни,  
Ўтиб кетар юк поездлари.  
Кийимларни жойига тахлаб,  
Энди артиб чиқсам лойларни.  
Тўзитади юлдузлар сакраб,  
Мен супуриб чиққан жойларни.

\*\*\*

Жонга тегди, тўғриси, шеър ҳам,  
Ухласа-чи, ётиб осуда.

Тунлар қанча ўқиган билан —  
Қолмас сира хотирасида.

Ҳали замон кириб келар тонг,  
Қучоғида тераг-у толнинг

Кўпдан бери бўялмаган том —  
Назарига тушмас шамолнинг.

**КУЗ**

Ёнғоқ ўзин ҳар ёнга отиб,  
Уялмасдан очар танини.  
Дийдалари тош каби қотиб,  
Ердан олар аламларини.

\*\*\*

Ҳали қолар музлар ҳам эриб,  
Ҳаёт ярар ортиқ-камимга.  
Эрта бир кун шамоллар келиб,  
Бош уради оёқларимга.

\*\*\*

О, бунча тез чиқмаса жаҳлинг,  
Айтганингни қилди ахир у.  
Ўтирмасдан ҳар бир кўчатнинг  
Илдизига қуйиб чиқди сув.  
Кетди жуда жонидан тўйиб,  
Қарғишига қолди у қорнинг.  
Алданган Март энди йил бўйи,  
Кўчасига кирмас Баҳорнинг.

\*\*\*

Томирларда жўш урар ғазаб,  
Қаричилик чулғар танини.  
Токлар қулай томонга қараб  
Узатади оёқларини.  
Боғда шундай қоида-тартиб  
Ёрдам қўли чўзилар илдам.  
Дарахт ўзи борар кузатиб,  
Токни олиб қўлтиқларидан.

40:0

\*\*\*

Эрта кийиб оппоқ либосни  
Ва Сен учун жонимни берсам.  
Уятмасми, ноқулаймасми —  
Яшаб келдим, деб айтаверсам?

\*\*\*

Ҳамма ҳовлиларга суқиб кўрар бош,  
Эшиклар очилиб турганда ярми.  
Нур тушиб кўзини очолмай қуёш,  
Адаштириб юрар деразаларни.

\*\*\*

Ўтаркан ой, ўтаркан йил ҳам,  
Кириб лойга, урилиб тошга.  
Ҳовлимдаги анжир ёшликдан  
Тақлид қилар ою қуёшга.  
Энди англаб етгандек сирни,  
Эртаю кеч турар боши ҳам.  
Ўпиб қўяр шамол анжирнинг  
Ажин тушган яноқларидан.

\*\*\*

Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши,  
Хаёлим ўзимда турганида жам.  
Дунё чиқмасидан руҳимга қарши —  
Ҳаёт менга қарши қўймасдан қадам.  
Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши.  
Топсам бўлди фақат бир шиддат...

Бир куч,

Бағримдаги юрак бўлмасдан нимта.  
Сизга энди келиб қолган каби дуч —  
Сизни яхши кўриб турган вақтимда —  
Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши...

40:0

\*\*\*

Тонгда Апрель юрар от миниб,  
Хавотирга тушар қари-ёш.  
Булут кўкка чиқар отилиб,  
Иситмалаб қолганда қуёш.

## ШАМОЛ

Мени қаерларга юбординг отиб —  
Ўлжани нишонга олгувчи мерган.  
Балки, қўрқмасмидим, ухласам ётиб —  
Сенга ёқмайдими қимирлаб турган?

\*\*\*

Яна менга бу қандай зарб,  
Қаддимни ёйдай буклайсан.  
Эшак, деб ўйладинг, ё Раб —  
Оғир ишларни юклайсан.  
Юким кўп. Оғрийди елкам,  
Етиб бормай тушар қўлдан.  
Сенга қулоқ солай, десам —  
Нетайки, хуржуним тўлган.

\*\*\*

Кўнглим жойига тушарди —  
Умрим кетмасди бесамар.  
Билинмасди тошлар зарби,  
Жоним чиқиб кетса агар.  
Топилмас, йўқ, бошқа чора —  
Олсам бошимдан ошириб.  
Ҳарна жонимни Худога —  
Кетсайдим тезроқ топшириб.

40:0



40:0



\*\*\*

Чақирганда вақтинг борми,  
йўқми демайсан,  
Чиқаргансан қайси мактаб, устоздан савод?  
Бори-йўғи шоир бўлсам —  
ёмон қарайсан —  
Бу дунёси қўрқинчлими шу қадар, ҳаёт?

\*\*\*

Кўзимга нур тушиб титради таним,  
Санчиб олар қуёш кўксимга найза.  
Худди ҳамма гапдан хабардор каби,  
Оғзини чурқ этиб очмас дераза.

40:0

\*\*\*

Фалак ҳам эггиси келмайди бўйин,  
Замин ҳам авайлар гулбоғларини.  
Осмон ҳар тун кечки овқатдан кейин,  
Қоқар юлдузларнинг ушоқларини.  
Сўнг қушлар уйғониб кетар бир сасдан,  
Оғзига келганин қайтармас замин.  
Аммо, не тонг, бир ой ўтар-ўтмасдан,  
Боғнинг ҳомиласи қилинар тахмин.

\*\*\*

Эрталабдан ўчиб ранг-қути,  
Осмон гўё қилгандай гуноҳ.  
Бор дардини ичига ютиб  
Қон босими ошиб кетар гоҳ.  
Турар ишга қўллари бормай,  
Кўтаролмай эгилган бошни.  
Ҳеч нарсани тушунтиролмай —  
Жизғанаги чиқар қуёшнинг.

40:0

\*\*\*

Узилмасдан турарми ришга,  
Фаним ҳар ён тортқиласа ҳам.  
О, шу қадар севдим!  
Севишга —  
Фаросатим етмаган билан.

\*\*\*

Қаерга борайин чекиб оҳ-фарёд,  
Яқиндан эшитсам ўлим сасини?  
Ё Парвардигорим, кўзимни Ҳаёт —  
Қарға бўлганимда чўқимасмиди?



40:0



\*\*\*

Гоҳ хушлаб-хушламай очса ҳам кучоқ,  
Фарқига борар у яхши-ёмонни.  
Бағрига қаттикроқ босади ўчоқ,  
Куйса ҳам бус-бутун турган қозонни...

\*\*\*

Ернинг бўйи Осмонга етди,  
Тўғри келмай қолди кўп кийим.  
Ер заминга ёпишиб кетди —  
Кутилмаган ёмғирдан кейин.

40:0



## ҲАЁТГА

Қизиғи бормикан Сенга ҳам ўлсам —  
Ўртага қўймагин Одам ё соқчи.  
Ўзимга айтавер — нима гап бўлса —  
Қувламоқчимисан,  
Ё қамамоқчи?

\*\*\*

Кўксимдан суғуриб бўлмаса ёйни,  
Айтилмай тилимда қолса сўзларим.  
Этак билан ёпиб бўлмаган ойни,  
Бир ёқлик қилади менинг кўзларим.

40:0



## ДАРАХТ

1. Хатто чиққан бўлса ҳам элдан,  
Кўкаргунча ўйлаб жонини.  
Бир амаллаб чиққунча ердан,  
Кўриб бўлди гўр азобини.  
Сўнг сочлари оқарди қордай,  
Қувват кетиб жисми танидан.  
Мўлтирайди дарахт чиқолмай —  
Шохларининг ораларидан.

2. Она каби билиб ўзини,  
Олар кўзин ёшини чайиб.  
Сездирмасдан оғриқларини,  
Қушларга у боқар жилмайиб.  
Учаман, дер бир куни ердан,  
Узилса тун ёки субҳидам.  
Чиқолмас у кузга бориб ҳам,  
Шоҳу шабба чангалларидан.

3. О, бир куни тугар ҳаммаси,  
Пашша тушган каби ошига.  
Не азобда туккан меваси —  
Дарахтларни етар бошига.

\*\*\*

Йил бўйи нимадир қилгандай ҳумор,  
Ё ичдан емирган каби дарду ғам.  
Кўпни кўриб қўйган кап-катта Чинор —  
Бир одат чиқарди — зерикадиган.  
Икки сўз ортиқча, камдай битта сўз —  
Чўчир ҳатто қушлар олган нафасдан.  
Кимнидир йўлига тиккан каби кўз —  
Турар кипригини пирпиратмасдан.  
Шамол эсадими, ёғар ёмғир, қор,  
Унда ҳеч нарсага қолмаган тоқат.  
Балки ўтган умри берар кўп озор,  
Балки эсдан чиқмас жабру жароҳат.  
Фарқи йўқ тонг отса — тушадими шом,  
Йиллару фасллар қилмас ҳайрон, лол.  
Учиб кетай, деса оғир кўч-кўрон,  
Яшайверай, деса жонга теккан қор.

\*\*\*

Қачондир шу ерда бор эдим мен ҳам,  
Сўнг бир кун қўл силтаб ташладим-келдим.  
Қайтадан туққиси келмади онам —  
Балки яшармидим, яшамасмидим.  
Эсласам, кўзларим тўлади ёшга,  
Қайси айбим учун ахир бу товон?  
Яшаганман, деган бир сўздан бошқа —  
Ҳеч нарса қолмади, хулласи калом.

\*\*\*

Кўнса ярадор қушдай,  
Ёниб кетар тоғу тош.  
Ётиб олар кеч тушмай —  
Иссиғи чиққан қуёш,  
Сўнг кўкни йўтал тутар,  
Кўриб бўлмас рангини.  
Қоқиб юрар булутлар —  
Юлдузларнинг чангини.

\*\*\*

Жуда қариб қолған. Яна бир ўзи —  
Ажратиб ололмас қорадан оқни.  
Қачонги дунё бу... Шўрликнинг кўзи,  
На ипни кўраркан.  
Ва на илмоқни.

\*\*\*

Шамол ҳар кун келар шошилиб,  
Йўқдек мендан бошқа бир дарди.  
Дунё, мени олдинроқ келиб,  
Сўраб-суриштирсанг бўларди.

40:0



## АТИРГУЛГА НАСИХАТ

Бир кун ўзи келар бош уриб,  
Ҳали Ҳаққа етади зоринг.  
Оёғингдан ташлама суриб —  
Соч-соқоли оқарган қорни.  
Баҳоргача етиб бормас қор,  
Хас бўлсанг ҳам кетмай тур синиб.  
Сени топиб келгунича то —  
Юрак-бағри кетган эзилиб...

\*\*\*

Кетаверсам яхшимасмиди,  
Қаролигин кўрмасдан тунни?  
Ўла қолса барханлар ҳиди —  
Кетказгани қўймайди энди.  
Кетганимда кутмасдан тонгни,  
Тун дунёни қилмасмиди оқ?  
Хижолатга қўйиб осмонни —  
Ерни қилиб йўлимга муштоқ.



### ЁЗ

Далаларни қуёш айланар,  
Тобланади салқин чайлалар.

Чумоли дон ташиб тўкар тер,  
Оғир-оғир ҳансирайди ер.

Кун ярмида чилла олар тин,  
Ўзин сойга тутади яқин.

Ит қушларга қарар ўксиниб —  
Ерга бериб ётар кўксини.

Ҳайратланар сайёҳ теваарак,  
Илқис ерга отланар фалак.

Сезиб қолар тоғлар шу замон —  
Гўзалликни яширар оқшом.

## ЭРКИН ШЕЪР

Ёқмаяпти менга фақат бир нарсa,  
Ақлим шу чизикда кетар бўлиниб.  
Бу дунёда эмас...  
Гар менга қолса,  
Муроса қилайлик, Ўлимим —  
Учраша қолайлик нариги дунёда.  
Катта бўлиб қолди болалар,  
Озгина ноқулай бўлади.  
Шу десанг, ёшим ҳам борди бир жойга —  
Келиб кетганингни ҳамма кўради.  
Муроса қилайлик, Ўлимим  
Учраша қолайлик бошқа дунёда.

40:0



40:0



\*\*\*

Шамол эсиб сукут бўлинар,  
Тун оҳиста боради сўниб.  
Ухлаёлмай кўрқсам, кўринар —  
Ой кўзимга иккита бўлиб.

\*\*\*

Бекатларда қолдириб бизни,  
Ўтганида йиллар гоҳида.  
Раҳмим келар — шундай поезднинг  
Умри ўтса йўл азобида.

40:0



40:0



## ЁЗ

Май ҳам йиғлади юм-юм,  
Кетгиси келмас ҳечам.  
Кечикиб келар Июнь —  
Минг бир хижолат билан.

Кириб кетар боғига —  
Соғинч. Энтикиб қалби.  
Суйкалар оёғига —  
Эркатоӣ мушук каби.

Юмшар бағри йўлларнинг,  
Яйрар толларнинг зулфи.  
Бир кечада гулларнинг  
Очилиб кетар қулфи.

Теракни базўр таниб,  
Шамол олар бўйнидан.  
Тирсагига таяниб,  
Токлар турар ўрнидан.

\*\*\*

Тушуниб бўлмайди фаслларни ҳеч,  
Баъзан эрта,  
Баъзан келар кеч қолиб.  
Боши қотган совуқ  
Бир кун анча кеч —  
Келар қучоғида баҳорни олиб.  
Бошланар бўй етган новдада титроқ,  
Юрак алғов-далғов,  
Бездирар жонни.  
Сал ақлдан озган момақалдироқ,  
Ногоҳ юзига чанг солар осмоннинг.



40:0



## ҲАЁТГА

Ким қўйибди менга бунча синовни,  
Борми ҳеч имтиҳон қўрқув солмаган?  
Қандай яхши кўрай бошқа бировни —  
Сени кўришга ҳам кўзим қолмаган.

\*\*\*

Мени элдан чиқарди Ҳаёт,  
Менинг ўзим чиқдим ҳаётдан...

40:0

\*\*\*

Саҳардан юрагим кетди зирқираб,  
Муштлади  
Зўр-базўр босиб жаҳлини.  
Ҳали синалмаган қўёшга қараб,  
Гулларим бахтиёр очар бағрини.  
Содда бўладими, одам шунчаям  
(Очилиб-сочилич яшашга шошди).  
Қора совуқларга берарми чидам,  
Осмон бир сиқувга олса қуёшни?



Боши ҳам осмонга етди-ку кўкнинг,  
Қўрқитар умримиз ўтди, деган ўй.  
Озгина чўзилиб кетгани йўқми —  
Кўпга келган аза — кўпга келган тўй?!  
Йиртилиб тугади тақвим варағи,  
Кундан кун хувуллаб бормоқда бағир.  
Ҳаёт, бу кунларнинг борми адоғи —  
Кўпга келган тўйинг неча йил ахир?

\*\*\*

Боргунимча артиб бўласан чангни,  
Чиқмаган жон ҳали ярар кунингга!  
Темир дарвозангдан киритасанми —  
Ёмғир билан борсам уйингга?

\*\*\*

Дунё, рўпарангда турибман шундоқ,  
Ҳолимни сўрмасдан қайга бўйлайсан?  
Ортга қайтай, десам, йўллар кўп йироқ —  
Олдинга юришга қўймайсан.



40:0





Вақт орқада қолар кимдан —  
Қайда, нима ўлчанар?  
Ўтиб борар эшигимдан  
Чанг кўтарган кўчалар.  
Англаб бўлмас бирор сўзин,  
Йўллар йиғлаб чекса ғам.  
Дарахт қушга уриб ўзин —  
Пешонасин ёрса ҳам.  
Шамол мендан кетар нари  
Кўринмасдан кўзимга.  
Кўйлагининг этаклари —  
Урилади юзимга.

## ЯНГИ ФАСЛ

Дунё аста-секин тушар музидан,  
Оғочлар тушида кўрар баргини.  
Олиб ташламоқчи бўлар кўзидан,  
Ариқлар дарз кетган кўзойнагини.  
Баҳор кириб келар — ёришар осмон,  
Муз остида сувлар бошлайди юриб.  
Мўралаб тургиси келар ҳар замон —  
Балиқлар чатнаган ойнани суриб.

\*\*\*

Шукур-ку, Худонинг берган кунига —  
Эсга тушар баъзан онам ёлган нон.  
Болалик уйимнинг ўнг биқинида  
Бўларди кичкина, кўримсиз дўкон.

Баъзида нимадир қоларди сотиб,  
Чўзилиб кетарди савдо тонггача.  
Унда музлатилган балиқдан тортиб,  
Бор эди ароғу кир совунгача.

Дўкон сотувчиси — сал нари қўшним,  
Устидан чиқардим ажиб ҳолларни.  
Баъзи харидоргир молларга қўшиб,  
Сотарди ўтмасдан қолган молларни.

Ё Тангрим, чув тушиб қолмасми ҳеч зот,  
Кимга ахир бунинг фойда, зиёни?  
Бугун менга қўшиб сотмоқда ҳаёт,  
Ўтмасдан чанг босиб қолган дунёни.

\*\*\*

Шу билан етдими умр сўнгига,  
Шу билан бу ҳаёт бўлдимиз озод?  
Тугаб бормоқдами кўзим ўнгида —  
Тугамайдигандай кўринган ҳаёт?  
Энди мен ҳақимда не этилар қайд,  
Кераги бормикан беруҳ танимни?  
Эсим кетганмиди шунга шунча пайт —  
Ўғирлаганмиди хаёлларимни?  
Тунни қора қилдим —  
Кундузни таниб,  
Офтобдан яширдим уни субҳидам.  
Ахир мен ҳаётни ўзим кўтариб —  
Катта қилган эдим болалигидан.  
Севиб эркаладим,  
Севиб босдим лаб,  
Унинг кўзларида қолди суратим.  
О, шунча яшадим қирқига чидаб,  
Қирқ бирига эса етмас журъатим.

\*\*\*

Гүё икки кўллаб ёпишгандай дард,  
Гүё топган каби фақир тенгини.  
Мен лўли мисоли елкамда фақат —  
Сезаман осмоннинг оғирлигини.  
Шунга бўйим ҳам паст.  
Қисқадир дастим,  
Ёш-ку ўтиб бўлди.  
Йўқолди куч, шашт.  
Озгина бўлса ҳам ноқулаймасми —  
Бир умр бировга суяниб яшаш?

\*\*\*

Ё ҳаёт, юзимни сидириб пастга,  
Энг яқин дўстимга қилгандай ҳазил.  
Баъзан тутаб-ёниб,  
Баъзида аста —  
Мудом қанот сўраб яшадим 40 йил.  
Шукур, бугун менинг ҳамма нарсам бут,  
Сендан сўрайдиган нарсам тугади.  
Шартга учиб кетсам бўларди,  
Ёхуд —  
Энди бу осмонинг пастлик қилади.

\*\*\*

Бекорга бермаган ерга бағрини —  
Бекордан бекорга бўлмагандир қон.  
Гапга тушунмаган юлдузларини —  
Фалакдан ирғитиб ташлади Осмон.

\*\*\*

Бола юлдузларнинг ирғишларидан  
Оёқ остида ой кетар босилиб.  
Осмоннинг қўл етмас тирқишларида —  
Ис босган булутлар турар осилиб.



40:0



\*\*\*

Ёнида турганда оппоқ тунларнинг,  
Оймомо мен билан ҳазиллашар шўх.  
Бир айланиб келай кўча-кўйларни —  
Эртага не бўлса бўлар — ишим йўқ!  
Энг бахтли одамдай юраман беғам,  
Ҳар тола сочимдан қуйилади шеър.  
Қувониб, энтикиб ташлайман қадам,  
Кутиб турган каби қучоқ очиб ер.  
Биргаман узилган япроқ рақсида,  
Учаман. Ер яқин. Ер яқин рўй-рост.  
Фақат шу юракнинг рўпарасида —  
Ўзимни ортиқча сезаман, холос.

\*\*\*

Барибир дунё кўрқоқ,  
Гуноҳини олмас тан.  
Гўё узилар япроқ —  
Шамолнинг айби билан.  
Гўё дунё беҳабар —  
(Куруқ чиқар сувдан ҳам.)  
Ўлиб турар одамлар —  
Худонинг айби билан.

40:0

\*\*\*

Қон босимим ошди.  
Кўзга урди қон!  
Мусаввир қўлидан тўкилган рангдай.  
О, бугун шу қадар каттаки осмон —  
Ҳеч қачон кўтариб бўлмайдигандай...

\*\*\*

Эс-хушини йўқотиб тонгдан,  
Уйғонгандан заминга шошди.  
Аммо, муздек бағритош ердан —  
Кўнгли совиб кетди қуёшни.

40:0

\*\*\*

Азизим, дунёнинг бўлгани шуми,  
Ҳаёт аталарми шу дову даска?  
Эслайман, руҳимнинг туғилган куни —  
Анча юксаклардан қарайди пастга.  
Дунё кенгга ўхшар.  
Ҳаво беадад,  
Соя ташлаб ўтар қуёшнинг акси.  
Орзум ушалдими?  
Муроду мақсад —  
Кўрган-кўришганим шуми ҳаммаси?  
Яшин тезлигида учдим — беқанот,  
Шунақа бўлар, деб яшаш тилсими.  
Азизим, не кўйга солмади ҳаёт —  
Руҳимнинг кўриниб турган қисмини?!

\*\*\*

Кимдир кўкка қараб ўқ узди,  
Жимиб қолди осмону фалак,  
Еру кўкка патлар тўзиди —  
Ютунолмай қолди теварак.  
Хаёлларим ҳар томон учди,  
Шерик бўлдим кимнинг ғамига.  
Тутқич бермас ҳавойи қушнинг —  
Ер ёпишиб қолди танига...

40:0

\*\*\*

Энди ич-ичига жойландим шеърни,  
Хаёт тополмайсан!  
Бошқа келайми?  
Елкамда опичлаб олганман ерни—  
Осмонни кўтариб берайми?

\*\*\*

Энг сўнгги пайтда ҳам юрак келди қўл,  
Севдим кўз-кўз қилиб Сенинг борингни.  
Бугун ҳам жон сақлаб юрибман базўр —  
Соясида туриб киприкларингнинг.



## КУЗ

### 1

Ўзим аҳмоқ.  
Сени беҳуда кутдим,  
Чиқиб келгандирман  
Йўлингга минг бор.  
Дарахт баргларини  
Шошиб қуритди —  
Ўзини чавақлаб  
Ташлади анор.

### 2

Тўсатдан дуч келиб  
Қоламан йўлда,  
Бош айланиб кетар,  
Кўзларим тиниб.  
Ой битта қўлининг  
Учида зўрға —  
Беҳи новдасига  
Қолар илиниб.

3

Ишончи қолмаган.  
Айтмас ҳеч кимга,  
Ишин хуфиёна  
Битирар қушлар.  
Ёз, Сен ҳам кетақол  
Менинг боримда —  
Турибман кузакнинг  
Қўлидан ушлаб.

4

Кун келиб етажак  
Учрашиш вақти —  
Кўз-кўзга тушар—  
Кўп қилмагин зуғум.  
Сендан қўрқиб ҳамма  
Эшигин ёпди —  
Кўзингга қарасанг  
Бўлмайдими, Тун?

## 5

О, менинг кўзим йўқ  
Сени кўргани,  
Йиғлагим келмоқда  
Боғларга боқиб.  
Кузак қўшним билан  
Очиб орани —  
Ёнғоқнинг жинини  
Ташлади қоқиб.

## 6

Хаёлимни само  
Тортгани тортган —  
Ердан ҳеч бир нарса  
Қилмайман даъво.  
Синган бир бутоқда  
Осилиб ётган —  
Ўзинг эмасмидинг,  
Мабодо, Дунё?

7

Супуриб бўлгунча  
Қуриди тинкам,  
Вақтинча топ-тоза  
Ариқлар, ҳовуз.  
Наҳот шу арзимас  
Хазонлар билан —  
Ўзининг умрига  
Якун ясар куз!

8

Янаям бошимга  
Тушмади ёнғоқ,  
Боғларда юргандим  
Ўтказиб вақтни.  
Бир шохдан тўкилиб  
Ёз сўрди ногоҳ:  
«Ўзинг мевасисан  
Қайси дарахтнинг?»



## 9

Ўзига ярашар  
Кузнинг шу феъли,  
Тик туриб  
Ҳимоя қилар шаънини.  
Аммо, ҳеч ёқмайди —  
Кушнинг бир хили —  
Ерга силкитганда  
Оёқларини...

## 10

Юрагим ачишиб  
Боқдим боғларга,  
Шамоллар ҳол сўраб  
Жуфтлади оғиз.  
Кимсасиз ерларда,  
Бебарг шохларда —  
Антиқа мевадай  
Турибман ёлғиз.

# 11

Сенга бирор нарса  
Дедими қарға,  
Қайғурма, унинг ҳам  
Бор-да ўлчами.  
Ўзим олиб бориб  
Сени шаҳарга —  
Кўрсатаман —  
Итлари йўқ кўчани.

# 12

Кузак, яшашингга  
Етадими Вақт—  
Кундузларинг қисқа,  
Қоп-қора кеча?  
Кўзимни яшириб  
Турайми Дарахт,  
Беяпроқ яшашга  
Ўрганганича?



## 13

Айланиб утар ер  
Шимариб енгин,  
Ўзи саратонда  
Кўпаяр юмуш.  
Қуёш, тегмадими  
Жонингга Сенинг —  
Менинг юрагимни  
Кўтариб юриш?

## 14

Ҳамма нарса ўтди.  
Ўзгарди аҳвол.  
Нега хаёлимга  
Келмасдинг олдин?  
Яхшиям, ёшликдан  
Эсдалик мисол —  
Фақат Сен қолдинг!

15

Қалтираб турибман  
Ёлғиз япроқда —  
Юрагим қуш каби  
Чиқиб инидан.  
Агар учиб кетсам  
Айни шу тобда,  
Дарахт борми  
Мени кўтарадиган?

\*\*\*

Қизалоқдай чопиб, ўйноқлаб,  
Оқ кўйлақни ечиб югурдинг.  
Ой, боряпман Сени сўроқлаб,  
Ҳавасини келтириб туннинг.

\*\*\*

О, сенинг қўлларинг...  
Очиқ жудаям,  
Мени муҳаббатга кўмиб  
Ташлайсан.  
Йўлда қолиб кетди ҳатто ҳотам ҳам —  
Мени осмонгами, ерга бошлайсан.  
Тирмашиб олганман қўлларингга мен,  
Шундан оғир-оғир ташлайсан  
Қадам.  
Мени бериб қўйма  
Тақсимлама тенг —  
Кўрқяпман,  
Қўлларинг очиқлигидан.

\*\*\*

Айлантирди бўрига зуғум,  
Кўз ёшларим қуриди, тинди.  
Қўрқмай ташлаб кетавер бугун,  
Қўриқлашим мумкин итингни.  
Фақатгина қолдир бўйнида,  
Бир парча сўз — ундан ном-нишон.  
Ажабланма, итинг ўрнида —  
Бўри турса — оғзи тўла қон!  
Айлантирар бўрига зуғум!

\*\*\*

Бир кунда ўзгарди боғнинг ҳусни ҳам  
Кўтарилиб кетди ҳаводан заҳар.  
Фақат қорни силкиб ташлаб устидан —  
Ҳунар кўрсатмаса эди дарахтлар.

Кимга ҳам ёқади, десанг: “Ортга қайт!”  
Ташласанг тупроққа кўмиб шаънини.  
Кетишга тараддуд кўраётган пайт —  
Кийиб турганида пойабзалини...  
Ҳунар кўрсатмаса эди...

\*\*\*

Ҳар қандай шамолга ишонасан Сен,  
Сочларинг тўздими —  
Ҳар ён тарадинг?  
Худди Сенинг тоза бағрингдайин кенг —  
Очилиб туради деразаларинг.  
Ишқилиб бахтимга омон бўл, омон,  
Тўзғиган сочингни турайин кўриб.  
Менинг хаёлларим кетар Сен томон —  
Очиқ деразангдан кирмоқчи бўлиб.

\*\*\*

Тилимга ўрнашиб қолган бу исм,  
Гўё ўсимликдай ўсар — кўп йиллик.  
Сенинг оловингда ёниб, ким билсин,  
Кулга айланиб ҳам кетдим, шекилли.

\*\*\*

Ҳаёт!  
Тўғрими, Сен фоҳишамассан!  
Тутиб туrolмадим ўзимни, холос.  
Ташлаб кетмайман, деб ичмайман қасам,  
Сен ҳам қасам ичма, илтимос!

40:0

\*\*\*

О, Сенинг келганинг кетди бесамар,  
Осмон ойна каби тоза, сип-силлиқ.  
Ўз туққан еридан ой кетиб бадар,  
Фалак айвонида турар осиглиқ.  
Бутун куринмади туннинг қораси,  
Балки эрка шамол йўлини бурган.  
Қачондир бўлгандай одам боласи,  
Оймомо кузатиб тургани-турган.  
Боғ ерга тиз чўкиб чалар сибизға,  
Чайқалар оҳиста гулзору райҳон.  
Солиб юлдузларни чўнтагимизга,  
Кел, туннинг кўксини қиламиз пайҳон.

\*\*\*

Хаёт қирқинчи бор мени этар чоп,  
Кунлар ҳар кунгидан туюлар ширин.  
Ё бугун қибладан чиқдими офтоб —  
Қалин муқовага ўрар ноширим?  
Минг филнинг қуввати бордай жуссамда,  
Осмону фалакка бошлайди жунун.  
Ўлим эндигина эслан чиққанда,  
О, яна келдингми, туфилган куним?



40:0



\*\*\*

Айриб бўлмас этни тирноқдан —  
Осмон амал қилар сўзига.  
Қўли билан Мени узоқдан —  
Кўрсатади юлдузларига.

## ДАРАХТ

Муҳаббатни тушунмасдан ҳам,  
Нималигин билмай туриб Бахт —  
Бир оёғи гўрда турса ҳам,  
Яшамоққа куч топар дарахт.

40:0

\*\*\*

Фойдаси бормикан бу уринишнинг —  
Менинг кўз ёшимдан чиқарми бир иш?  
Айт, ахир нимаси ёмон шу ишнинг —  
Айт, ахир яхшими шунга ҳам қўрқиш?  
Кўп йиллик умрингни ўйлайсан киши,  
Наҳотки қадрим йўқ?  
Қимматим ҳам ер.  
Бугун гапирмайин, жоним, яхшиси —  
Ўзингга келиб ол!  
Ўзингга кел. Кел!

\*\*\*

Ернинг жони тош каби дағал,  
Сал нарсага чекавермас оҳ.  
Биз осмонга қараган маҳал  
Мийиғида кулиб қўяр гоҳ.  
Кўтарилиб кетса-да бурнинг,  
Қолсанг ҳамки ўзингдан кетиб.  
Ҳамма-ҳамма нарсага ернинг  
Фаросати туради етиб...

40:0



40:0



\*\*\*

Қушлар еб битирди  
Қишнинг ғамини,  
Сени эса ҳали  
Тинмайди сувинг.  
Ерда судраганча  
Тўшакларини —  
Узоқдан қораси  
Кўринар туннинг...

## ДАРАХТЛАР

Бурнининг учида турар жаҳли ҳам,  
Гоҳ ердан, гоҳ кўкдан олар заҳрини.  
Кушлардан қизғониб кечаси билан —  
Дарахтлар еб чиқар меваларини.

40:0



\*\*\*

Ойни қучиб кўкка қарадинг,  
Юлдузлар ич-ичидан ёнди.  
Эрта тонгдан деразаларинг —  
Кўзларини очиб уйғонди.  
Шивирладинг кимгадир секин,  
Пардаларинг...  
Қимирлади. Сўнг  
Ёрдамлашдинг... бир оздан кейин —  
Бағрин очар эшикларинг кенг.

\*\*\*

О, ўтган бўлмасин йиллар орадан,  
Совуқлик туширмай, теккизмасдан гап,  
Хатлаб боряпман кир остоналардан,  
Тубсиз жарликлардан ўтяпман сакраб.  
Мендаги тошюрак кўтармоқда қад,  
Қотиб бораётир йил сайин дийда.  
Фақат уяламан.

Соям вақт-бевақт  
Юмалайверади қуёш олдида...

\*\*\*

Қурқиш керак бўлмаса каминг,  
Қурқиш керак!  
Қурқинчли бу ҳам.  
Ҳеч нарсаси йўқ одамларнинг —  
Умиди бор эртанги кундан...

\*\*\*

Қир-адир бўлса ҳам майли — тап-тақир,  
Майли, заҳарланган бўлса ҳам ҳаво.  
Ҳаёт, яшайдиган менман-ку, ахир —  
Сен эмас асло!

40:0

\*\*\*

Кўрқма, мен ҳам одам боласи,  
Ёмон ўйга бормаяпман ҳеч.  
Тўкилмоқда ҳаёт бодаси —  
Ичай десам, ҳаддан зиёд кеч.  
Ҳали унга тегмасдан лабим,  
Майинг бунча турибди чўчиб.  
Мен чой ичган пиёладаги —  
Гулнинг ранги бормоқда ўчиб.

\*\*\*

Дарахтларнинг кўпроқми сабри,  
Етарлими ва ёки тоқат?  
Ер билан бир бўлса ҳам барги,  
Фаслларга қилар итоат.  
Апил-тапил шимарганча енг,  
(Зўрға чиққан бўлса ҳам қишдан!)  
Қўлларини очганича кенг —  
Чарчамайди хазон бўлишдан.

40:0

\*\*\*

Ўрнимга қўйиб кўр ўзингни бир зум,  
Самовот, менга ҳам тутмагин осон.  
Худди ҳозиргидай турасанми жим —  
Ер билан бўлсам ҳам бир тану бир жон?

\*\*\*

Ҳаёт ташлаб қўймас ҳеч кимни,  
Ва ҳеч нарса чиқмас эсидан.  
Фақат кўнгли чўккан заминни,  
Сийлаб турар одамлар билан.



## ДАРАХТЛАР

Иш битирар ими-жимида,  
Юрмас биздай ҳовлиқиб, чопиб.  
Секин-аста тириклигида  
Ер остига борар йўл топиб.  
Нималарни туккан дилига,  
Анойимас биз каби бироқ.  
Етиш учун сирнинг тагига —  
Ер остига кирар чуқурроқ.

\*\*\*

Бошим узра ёйилади кўк,  
Кетаверар қайгадир йўлак.  
Ҳеч кимса йўқ.  
Ҳеч нарсa ҳам йўқ,  
Оёғимда шу ердан бўлак.  
Юзларига чизаман ерни,  
Икки кўзим кўчада қолди.  
Кечир, менга эслатар сени —  
Бир хил қилиқлари шамолнинг...



40:0



\*\*\*

Кўк бағрида турибман тушмай,  
Ёруғ юлдуз бўлмоқ қасдида.  
Ер бечора ўқ еган қушдай —  
Инграп оёқларим остида...

\*\*\*

Дарахтлар ҳаётни ўрганар осон,  
Ойнадан мўралаб чиқар тунлари.  
Қушлар дарахтларга  
Қўнгани замон  
Ечиб юборади тугмаларини.

40:0

\*\*\*

О, Сен нима хаёлга бординг?!  
Хаёт қизиқ!  
Мен нима ғамда?  
Барисини қуйдим шаробнинг —  
Икки қадаҳ — икки одамга.  
Кечир, бўлдим Сенга ҳам ташвиш,  
Ич, қайғудан бўласан холи.  
Қара, шароб юқи шу идиш —  
Юрагимдай бўшади-қолди...

\*\*\*

Сени қанча яхши кўрмайин,  
Сен деб билган бўлсам ҳам рашкни.  
Яхшиликни билмас кўрлайин —  
Аро йўлда қолмасам, кошки!  
Менинг дардим эмас бу дунё,  
Мен эмас-ку дарди дунёнинг.  
Узоқ яшайдигандай гўё —  
Кетиб қолгим келади, жоним.



\*\*\*

Денгизни севсам ҳам  
Қўшилмади қон —  
Яшил ўрмонларга кетмадим кўниб.  
Мана яшаяпман 40 йилдан буён,  
Ернинг ҳурматини жойига қўйиб.

\*\*\*

Қуриб кетсин боғнинг  
Кўрган туши ҳам,  
Сувга айтай деса —  
Сувда ранг қолар.  
Шамолнинг кечаси қилган ишидан —  
Қип-қизил шарманда бўлди олмалар.

40:0

\*\*\*

Бир денгизнинг устида сўри  
Турган эмиш...  
Ва менинг ярмим.  
Ухлагандан кўра туш кўриб —  
Яхшимасми ухламаганим?  
Энди нима қилсам — Бефойда!  
Қўрқдим.  
Йиғиб қўйдим ўринни.  
Хаёлларим тентиган жойда —  
Кимдир борга ўхшаб кўринди...

\*\*\*

Мен-ку сира очмайман лабим —  
Тегмасин деб Сенга бирор гап.  
Пойлар садоқатли қул каби  
Эшикларинг кўчага қараб.  
Йўл устида турар эрта-кеч,  
Демак, жоним, жонинг бехатар.  
Менинг келиб-кетганимдан ҳеч —  
Сенга нечун бермайди хабар?

40:0

\*\*\*

Ё менинг боғларга тегдими кўзим,  
Ё қушлар гап отган бўлса камига.  
Дарахтнинг либоси ўзидан-ўзи  
Сирғалиб тушмоқда оёқларига.

\*\*\*

*Мигель Эрнандесга*

Тутмагин бу зиндон аҳлига осон —  
Нимани ҳал қилар учмадинг, учдинг.  
Қафаслар очилиб қолса ногоҳон —  
Енгиб бўладими кўп йиллик кучни!

\*\*\*

На кун бордир,  
На бордир кечам,  
Ўйларимнинг йўқдир тизгини.  
Бекинмоқчи бўлар кўзлардан —  
Жонга теккан уйқусизлигим.  
Чегараси йўқ эди гўё,  
Чиқмагандим унгача йўлдан.  
Сени севган кунимдан Дунё —  
Торлигини сездириб қўйган.

## ТУН

Ёришмагай бир зум дилинг  
Кўнглинг бунча зимистон.  
Ёруғликка етмас кўзинг —  
Ҳар томонинг гўристон.  
Қоп-қоронғу дарду дунёнг,  
Ухла ётиб, кўзинг юм.  
Бироздан сўнг ёришар Тонг —  
Ҳозир, бандачилик Тун.



\*\*\*

Мободо қайдадир келсак юзма-юз,  
Дийдалар тош қотган — келмас-ку йиғи.  
Ҳеч қандай гинага қолдирмасдан сўз —  
Соялар чирмашиб кетар бор-йўғи.

\*\*\*

Тўғри келиб қолса узоқ яшашга —  
Ва Яратган ўзи қўшиб берса кун.  
Йиғлайман. Умримни солиб қуёшга —  
Сенинг умрингдан ҳеч бўлмасин узун.

\*\*\*

Ҳеч йўқ бир кун аввал  
Мени эт огоҳ,  
Юрагим ёрилиш олдида — таранг.  
Мўъжиза рўй бериб қолсаю ногоҳ,  
Менинг қафасимни очиб юборсанг!  
Қўрқма! Агар ўзинг билмасдан қолиб,  
Тегиб кетган бўлса қулфга қўлинг.  
Қанотим лат еган — бир қуни бориб —  
Яна шу қафасга тушади йўлим.

\*\*\*

Киприк қоқмай чиқар тун бўйи,  
Тун кимгадир ташна ва интиқ.  
Дарахтларга суянган кўйи —  
Хаёл сурар осуда, тиниқ.  
Кўринмайди нур ҳам, соя ҳам,  
Қаердадир қушлар олар тин.  
Тонгга яқин зинапоядан —  
Тушиб келар Оймомо — келин...

40:0

\*\*\*

Қарайсан!

Келдими нимадир дегинг?

Шундоқ рўпарамда кўринар қоранг.

Ой, қанча уринма, барибир Сенинг —  
Деразамга тушади соянг.

\*\*\*

Бир қуш кетолмасдан қолди.  
Юкини,  
Жойлаштиролмади мурғак танига.  
Ер солиб жамики оғирлигини —  
Илашиб қолганди оёқларига...

\*\*\*

Ҳар куни шу.  
Тонг отиб-отмай,  
Шабадаси келмай саҳарни,  
Юзи қалин қуёш тап тортмай —  
Ушлаб чиқар деразаларни.  
Улашади бутун оламга—  
Бор меҳрини бағишлаб боғлар.  
Ялтиратиб қўйган ойнамда—  
Қуёшдан ҳам қолади доғлар...

\*\*\*

Вақтинг ҳам йўқ.  
Йўқдир тоқатинг,  
Киришгансан соатдай ишга.  
О, Сен каби вақти йўқ Вақтнинг —  
Нафасини ростлаб олишга...  
Дунё бўлса Сенга муносиб,  
Йўлларингдан чиқмаса хатар.  
Бу дунёда ётар чанг босиб,  
Ишламасдан қолса соатлар.  
Вақтинг ҳам йўқ ...

40:0

\*\*\*

Куз келди.  
Ишлар кўп.  
Ким нима дардда,  
Тежаб ишлатмаса бўлмайди вақтни.  
Беш-олтита қушлар бир бўлиб шартга —  
Кесиб ташламоқчи бўлар дарахтни...

\*\*\*

О, бунча умр узун,  
Ахир кетдим-ку қариб.  
Турсанг эди шу бугун —  
Йўлни ортга қайтариб...

40:0

## ШАМОЛ

Эл-юртдан чиқарди Сени қайсар феъл,  
Синадиган нарса қолмади тамом.  
Юракка дарз кетди.  
Кетсанг, кетавер —  
Сен учун қибладир энди тўрт томон.  
Юмшоқ кўнгилларни синдир ҳаммасин,  
Кимда қанақа гап?  
Қулоқ сол, эшит.  
Бу ёруғ дунёда мудом қолмасин —  
Синмаган дераза, синмаган эшик.

\*\*\*

Қор.  
Ёмғир ёғди.  
Ва изига қайтди.  
Кун келиб бошимни айлантирди тун.  
Жонимни жабборга беришим шартми —  
Арзимаган шу ҳаёт учун?  
Узаман жонимдан умидимни ҳам —  
Ҳаёт билан узиб қўйдим орани.  
Борадиган жойга кечроқ боргандан —  
Вақтида борайин ...

\*\*\*

Ўзим билмай қаергадир кетиб бораман,  
Кутгин. Бир кун эшигингга етиб бораман.  
Фақат айтгин, кўпмасми навбат кутганлар,  
Сени Сенга арзи ҳолми этиб бораман?

\*\*\*

Уриб турган билан юраклар —  
Тирикликнинг билмас шавқини.  
Шўринг қургур новча тераклар,  
Кўрмас оёқлари остини...

40:0

\*\*\*

Худди кўпни кўрган кишидай вазмин,  
Ёмғир ёғаверар ойнага чак-чак.  
Ҳеч кимга қарамас бу очкўз замин,  
Энг яхши нарсани кавшаётгандек.  
Шу маҳал кўзимга келар олапар,  
Юмшоқфеъл итимнинг очқаган пайти.  
Эркалаб олдига бориб қолсам гар,  
Мени бир суякча кўрмайди...

\*\*\*

Қўш кўринар кўрққанга—  
Ўлим йўқ нарса экан.  
Ҳаёт, Сенинг елкангга  
Оғирим тушдимикан?  
Ҳали-бери ўлмасман,  
Билмай ёмон-яхшини.  
Ҳаёт, Сенга ўлмасдан  
Қолаверсам яхшими?

40:0

\*\*\*

Нимадир бўлдим рўйи заминда,  
Ҳеч қаерга сифмай бормоқда жоним?  
Ўлмаган қаро ер — жисму танимда —  
Қуввати камайиб борар дунёнинг.

## ҲАССАЛИ ОДАМ

Жуда кўп нарсани ўргатди ҳаёт,  
Жуда кўп нарсани ўрганди у ҳам.  
Кузатиб қарасам, кўчага ҳеч вақт —  
Таёқланмай чиқмас бу одам.



40:0



## ТОНГ

Юрар жуда хотиржам,  
Осмон кемадай сузиб.  
Қуёш жон-жаҳди билан  
Чиқар кафанни узиб.  
Айтсанг ишонмас одам,  
Келар тезроқ унуттинг.  
Кутилмаган бу ҳолдан —  
Ранги ўчар булутнинг.

## ЭШИК

Баъзан ботиб кетар  
Оёқлар зарби.  
Баъзи келди-кетди  
Унга бермас кун.  
Ҳудди ишдан чиққан  
Калитлар каби  
Эшикнинг бошини  
Айлантирар тун.

## ЁМҒИР

Очилмаган сириг қолмади афсус,  
Ўлдингми кўрсаттинг келиб бағрингни?  
Осмон уч кундирки, кечаю кундуз—  
Ерга уриб бўлди қадрингни ...

\*\*\*

Овора бўляпман —  
Ўзим билан кўп,  
Кўтариб  
Касалга чалинган танни.  
Хавотир оляпман, юлдузингни, кўк,  
Шамоллатиб қўймаяпсанми?

\*\*\*

Юзимга югуриб қолди қизиллик,  
Ўзимдан авайлаб сўрайдирман ҳол.  
Севаман сўзи бу — жуда кўп йиллик —  
Айтсам — тилларимдан томчилайди бол.  
Ютаман оч қолган гўдакдай ташна —  
Фижимланиб кетар қўлимда ҳаво.  
Менинг оёқларим қўлини ташлаб,  
Ўзи зиналардан тушар бехато.  
Энди кўзгу олиб қочмас кўзини,  
Мени кўрганини ажал олмас тан.  
Нафас ҳар нафасда бўлмас сўзимни  
Айтганим-айтгандир,  
Деганим-деган.  
Майда-чуйда гапга қолмади ўрин,  
Юрса бахт ҳар ерда юрар қўша-қўш.  
Тилагим, шалвираб турмасин қўлим —  
Кароватлар турсин кундузи бўм-бўш.

## НОЯБРНИНГ ЯНА БИР ТОНГИ

Энди сувлар қолганди тиниб,  
Қолмаганди ўрин йиғига.  
Бир ингроқ сас кетди қўшилиб —  
Хўрозларнинг қичқириғига.  
Чукур-чукур ер олди нафас,  
Бутун борлиқ ўт бўлиб ёнди.  
Туғилади тонг отар-отмас  
Ноябрнинг яна бир тонги.



40:0



\*\*\*

Йўлга қатор тизилди толлар,  
Ниҳолларнинг олдини тўсиб.  
Ўтиб кетди ўтинчи чоллар —  
Дарахтларнинг йўлини кесиб.

\*\*\*

Хўрсилади кетадиган вақти бўлиб,  
Совуғига чидаганди ёмғир, қорнинг.  
Ён-атрофда учиб юрган қушни кўриб —  
Тинкалари қуриб кетар дарахтларнинг.



40:0



## **ГҮЁКИ МЕН КЕТСАМ...**

Гүёки мен кетсам —  
Тўхтайди денгиз,  
Яшашдан бош тортар  
Замину майса.  
Хомхаёл сураман.  
О, энди менсиз —  
Ичингга тушмайди ҳеч нарса.

\*\*\*

О аниқ, нимадир бўлган осмонга,  
Бунча тез қор ёғди.  
Музлади ҳовли.  
Қушлар учиб кетди...  
Туртта томонга —  
Дарахтлар бу йил ҳам  
Жойида қолди.

40:0

\*\*\*

Бўлди мана энди.  
Ҳаммаси маълум,  
Ичга ютган билан кўк нафасини.  
Очликдан силласи қуриб кетган тун,  
Еб қўяр ҳилолнинг бир чеккасини.  
Ерга ерда яшаш келади малол,  
Бўғиб ўлдиргиси келар майсани.  
Ногоҳ учиб келиб қайдандир шамол —  
Фулдирайди алланарсани...

\*\*\*

Бақириб-чақиргим келса ҳам жимман,  
Юраман ўзимни панага олиб.  
Зигирдек бойчечак қўрқмай ҳеч кимдан,  
Чикмоқда заминнинг қорнини ёриб.  
У қандай, қаердан топган ирода,  
Қўрқита олмаган Шамол, Ёмғир, Тош?  
О, шундай оёқлар бордир дунёда —  
Ерга кириб кетар ҳар қандайин бош.  
Ёнаман. Кўксимга кетган олов, ўт,  
Руҳимда бошланган қиёмат қойим.  
Илтижо қиламан, менга ҳам ҳеч йўқ —  
Майсанинг кучини бергин, Худойим!

## ҚАБРДАГИ ЁЗУВ

Нимадир ахтардим бир умр елиб,  
Ҳаммасини топдим шу ерга келиб.

\*\*\*

Илдизи чириган дарахт қулади,  
Хўрсиниб суянди заминга ҳорғин.  
Ҳаёт, дарахт нима қилса бўлади —  
Ўтга айланишдан озгина олдин?

40:0



40:0



\*\*\*

Кузатма ортимдан...  
Сен яхшиси қол,  
Яша истаганча дунё бағрида.  
Топиб боролмайсан —  
Мен яшаган жой —  
Бу ҳаётдан озроқ нарида ...

\*\*\*

Хаёт, Сенинг кунинг бехатар,  
Эрмак қилиб митти қушларга —  
Оёқости қилганинг етар.

Гапларимни кўнглингга олма,  
Хаёт даъво қилса шеърларим —  
Ер остига ташлаб юборма ...

40:0

\*\*\*

Ўрганиб ҳам кетдим —  
Биламан йўлни,  
Кетсам ҳам бўларди...  
Уят-ку ахир.  
Мана роппа-роса 40 йилча бўлди —  
Сенинг қўлларингга тушганман асир.  
Шамол ҳам қўймайди узилган баргни,  
Жонинг узилгунча ёмғир қилар қон.  
Бировнинг измига тушган қуш каби —  
Дунёга мўлтираб қарайман ҳайрон.  
Сездирмай юракдан оқади ёшлар  
Азадан қутилган сочим оқ кийди.  
Темир қафасимни синдириб ташлаб —  
Осмону фалакка учсам қанийди.  
40 йиллик умримни битирганман еб,  
Ҳар кунимдан қолди яхши-ёмон от.  
Харна камайгани камайган-ку деб,  
Учириб юборсанг бўлмасми, Ҳаёт!

# **МЕН ҚАЕРГА ЖОЙЛАШГАНМАН?**

*(Кундаликдаги қайдлар)*

## ЖУДА ХОРҒИН ЭДИ У...

Мен ҳар куни тунга тўйга бораётган каби тайёрланаман. Кўзгу қаршисида ўзимга оро берарканман, негадир жилмайиб турганимни кўриб ҳайрон қоламан. Баъзида кўзгудан Марина Цветаева чиқиб келади. У кўпинча ўзига ярашиб тушган узун кўйлақда бўлади. Йўқ, бу асло уйқу олдидан кийиладиган тунги кўйлақ эмас, бу унинг ижодхонасида шеър ёзиш олдидан киядиган маъсумгина кўйлаги.

Мен кейинчалик Маринанинг мана шу кўйлагини сотгани учун кечиролмадим. У очликдан силласи қуриган ўғлининг бошида анча вақт ҳолсиз турган ва уйида қўлига илинадиган борики нарсаларни сотиш учун кўчага олиб чиққан. Аммо, инжиқ харидорнинг нигоҳидан четда қолмаган Маринанинг устидаги мана шу кўйлаги бир бўлак нон учун қурбон бўлган. Энг қизиғи, Марина ўшанда ҳам шеър ёзган. Ўшанда ҳам шеър ёзиб бахтли бўлган.

Бир тун мен уни жуда кўп саволларга кўмиб ташладим. У жавоб бермади, кўзларини осмонга тикиб тураверди...

Эҳ, мен Цветаевани бош эгиб турганини ҳеч қачон кўрмаганман. Ҳеч йўқ менга танбеҳ бераётганда озгина пастроққа тушса нима қиларкин? Ўз устимда ишламай қўйган кунларим у менинг ялтир-юлтур кўйлаklarимга нафрат билан қарайди, холос...

\*\*\*

Мен қаердаман ўзи? Дунёнинг қаерида жойлашганман? Бошидами, ўртасида ёки чекка-чеккасидами? Қаердаман? Менга қараб турган мана бу дарахтлар чиндан ҳам дарахтлармикан? Улар ҳам мен каби йиғлармикан? Йиғлай олармикан мен каби?.. Юраги ўртанганда нимадир ёзармикан? Ёзмаган тунлари тонгда нега кўз очганидан пушаймон ермикан?..

\*\*\*

Шеърларим жудаям саёз. Мен буни ёзганим сайин англаяпман. Ўқиганим сайин ҳис қиляпман. Наҳотки шу ҳолда тўртта китобим чиқди? Нималар қиляпман?

✦ Наҳотки ҳамма нарса мумкин? Қаерга кетяпман? Худо кўрсатган йўлдан ўзимни қандай олиб ўтяпман? Нималар қоляпти? Нимадир қоляптими ўзи? Саволлар чақмоқ каби столимда “портлайди”. Ёшга тўлган кўзимни олиб қочаман. Ҳар тугул олиб қочишни биламан.

40:0 Ҳануз мудраётган юрагимни тирил-тирмоқ учун чопаман. Қани бунинг уддасидан чиқиб бўлса! Бир кун “Ҳамма нарса ёзиб бўлинган”, деган жавоб. Бир кун “Ёзишга ҳеч нарса арзимаиди”, дегандай гап... Бу гапларга ишониб бўпман.

Ўзимни ўнг қўлимда айлантириб туриб отаман. Китобларга урилиб қайтаман. Баъзан пешонамда пайдо бўлган ям-яшил доғни кўриб қувонаман. Баъзан сочларимни силтаётган қўлни кўриб ҳайратланаман...

\*\*\*

Марина!

✦ Мен ўзимнинг устимда ишламай қўйдим. Ёзганларим ҳам ҳеч нарсага арзимаиди. Ушлаб кўрсам — жуда енгил. Ҳа, айтгандай, тунов куни Пастернакни кўриб қолдим. Тасодифан.

Жуда ҳорғин эди у. Қўлида Вол-  
конскийнинг китоби. Шошиб боряпти.  
Биламан, у шу кетишда уйига эмас, шеърга  
кетаяпти. Бу дунёда борлигимни билдириб  
қўйиш учун салом бердим. Чопиб кетаётган  
Пастернак илкис тўхтади. Менга кўзи  
тушиб хиёл жилмайди. Биз сўзсиз гап-  
лашдик. Дарахтлар жим турди. Бир муддат  
шамол эсишдан, дунё яшашдан тўхтади.

Пастернак кетди... У билан мен ҳам  
кетдим. Ҳеч ким билмади.

Ҳеч ким билмай қолди.

\*\*\*

Ҳар тонг деразадан ташқарига қараб  
турсам, бизга қарама-қарши уйларда аста-  
секин чироқлар ёна бошлайди. Яшаш учун  
ҳаракат бошланади.

Бир оздан кейин ғўнғирлаган овозлару  
қошиқ, санчқиларнинг читирлаган то-  
вушлари эшитилади.

Мен эса дераза ёнида туравераман.  
Уларнинг уйдан чиқиб келишларини  
кўрмоқ учун шундай қиламан.

Ва ниҳоят улар уйдан чиқиб кела  
бошлайдилар. Ҳамма нарсалари жойида.

40:0 Ўзларига оро бермоқни ҳам қойилла-  
тишган.

Уларнинг топиб олганлари шу уй,  
мана шу йўл... Марина, яшамоқ дегани  
шуми ё?

Ҳар қанча ҳаракат қилмай менинг  
ақлим етмаяпти. Менинг ҳаёт ҳақидаги  
тасаввурларим камлик қияпти.

Мен зерикапман. Одамлар мени зе-  
риктиряпти...

\*\*\*

Ярим кечаси эшикни тақиллатмасдан  
очиб даҳлизга чиқдим. Узун йўлак мени  
ошхона томон олиб борди. Газга қаҳва учун  
сув қўйдим. Деразадан тунни томоша  
қилиб, тўсатдан, Сизнинг чироқлари ёниқ  
хонангизга кўзим тушди. Қувониб кетдим.  
Чарчаган бўлишингизга қарамай, демак,  
ухламагансиз. Демак, бу тун ичида бир ўзим  
эмасман...

Икки чашкани қаҳва билан тўлдириб,  
Сизнинг эшигингиз томон юрдим. Қўлим-  
даги чашкаларнинг бирини стол устига  
қўйиб эшикни очдим. Сиз ёзардингиз.

Менинг кириб келишим ҳеч қандай  
аҳамият касб этмаганидан норизо бўлиб,

Сизнинг қаҳвангизни столингиз устига кўйдим.

Сиз шундагина бошингизни кўтариб қарадингиз ва ёнингиздаги стулга ишора қилдингиз. Мен ўтирмадим. Сизни бир оз пойлаб турдим. Ёзаётганингизни кўриб менинг ҳам ёзгим келди. Хонангиздан отилиб чиқиб, ўзимнинг хонам томон чошиб бордим. Мен ҳамма нарсани унутдим. Қоғозларим сари шўнғиб кетдим. Қанча вақт ўтди, билмадим, эшик очилганини пайқаб, елкам оша қайрилиб қарадим. Сиз! Қўлингизда мен унутиб қолдирган чашка. Столимга яқин келдингиз. Мен Сизни ўтиришга таклиф қилдим. Сиз ўтирдингиз. Қизариб кетган кўзларингиз ухламаганингиздан нишона. Негадир шу пайт Сизга раҳмим келиб кетди. Аммо, меники ҳам Сизникидан кам эмас. Бир оз дам олмоқ илинжида икковлашиб кўчага чиқдик.

Ҳаммаёқ жим-жит. Боғ айландик. Дарахтларни томоша қилдик. Баланд-баланд уйларнинг олдидан ўтдик ва англадикки, фақатгина иккимизнинг хонамиз ёруғ. Назаримда, хонамиздаги чироқлар ҳеч қачон ўчмайдигандай туюлди.

\*\*\*

Қаергадир кетсам...

Ҳаётимни бошқатдан яшасам...

Ҳеч ким кўрмас ва кўринмас жой бўлса-ю, яшириниб олиб ўз устимда ишласам. Ҳар лаҳза панд бераётган саводсизлигим жонимга тегиб кетди, ахир.

Ҳаётда байрамлар шу даражада кўпки, улардан қочиб қутулишнинг ҳечам иложи йўқ. Мудом кулиб юришлару турфа кийинишлар, сочларингни ҳар турга бўяшлар...

Оҳ, булардан тезроқ қутулсам эди...

Бу кетишда жинни бўлиб қоламан. Балки жинни бўлиб бўлгандирман.

\*\*\*

Энди мактабга борган кунларим эди...

Ўзим билмай ботинкамни тескари кийиб мактабга борганман. Ва буни бир синфдошимнинг оёғимга қараб қолганидан тушуниб олганман. Чунки уйдагилардан жуда кўп дакки эшитардим бу борада...

Ўшанда...

Синфдошимнинг қарашларидан ботинкамни тескари кийганимни англашга англадим, синфдошимнинг олдида тўғрилаб кийишга ғурурим йўл қўймади.

Синфдошимнинг нима биландир андармон бўлишини ёки мендан узоқроққа кетишини кутиб турдим...

Бугун ҳам шундай... Мен ҳаётимни ўзимники деб ишонаман. Уни ўзимга қулай томонидан кийишни яхши кўраман. У менга ярашадими, йўқми, ким нима деб ўйлайди, аҳамияти йўқ. Бунинг оқибатида баъзан бўлиб турадиган йиқилиб тушишлар ҳам менга ёқди...

Айтилишида, биргина ҳарф билан фарқ қилиб турган Ҳаёт ва Ҳаёл менинг ҳаётимда унчалик ҳам аҳамият касб этмайди. Ҳаёлда яшаш кўпроқ завқ беради. Мен шу сабабдан ҳар икковини адаштириб юраман.

Одамлар билан қандай гаплашиш, қандай муомала қилиш кераклигини билмайман, дарбадарларча шеърга кетиб қолавераман...

\*\*\*

Ёшлигимдан Шаҳар ва шоирлар, ўрмон, денгиз ва юлдузлар ҳақида ҳаёл суришни яхши кўраман. Айниқса, Шаҳар ва шоирлар. О, нақадар жарангли бу сўз! Умримнинг қаерларидадир учрашиб

қолишни орзу қилиб юрган Ҳаёт бу. Фақат  
хаёлларингни ўлим ҳақидаги ўйларгина  
чилпарчин қилиб ташлаши мумкин.

\*\*\*

Ҳаёт ва ўлим.

Менинг йиғи ва табассумим уларнинг  
орасида сакраб юрган бахтиёр қизалоққа  
ўхшайди...

\*\*\*

Сенинг ҳаётинг менинг учун шу қадар  
зерикарлики, Сен кўз-кўз қилиб яшаётган  
ҳаётни мен бу дунёга келмасимдан аввал  
янаб ўтгандайман.

\*\*\*

Балки айб ўзимдадир. Ҳаётнинг беаёв  
савалашларига қарамай, нақ 168 смга ўсдим.  
Вазним ҳам анча-мунча тош босади.  
Ҳаёлларимни алмаштириш вақти келган.  
Ҳаёт ҳам аллақачон кичкина келиб  
қолгандай...

## ТЎЛҒОҚ

Мен негадир одамларга қараб уларнинг мурдаларини кўз олдимга келтирадиган, чиройли ёки бадбашара бўлишлари ҳақида ҳаёл сурадиган бўлиб қолдим. Бунга кўшни хотиннинг ўлими сабабчи бўлди. Ҳамиша турмуш ўртоғи, фарзандлари ҳақида қай-гуриб юрадиган бу аёл ўлмасидан уч кун олдин тирик эди. Биз бир томони боғ, иккинчи томони бизнинг уй билан туташ йўл ўртасида чамаси ярим соатлар суҳбатлашган эдик. Ўшанда кимдир бу фаришта аёлнинг уч кундан сўнг ўлади деса, зинҳор-базинҳор ишонмаган бўлардим.

Хуллас, унинг ўлими ҳақидаги хабар қулоғимни тешиб ўтгандай бўлди. Нимаси биландир яқин бўлиб қолган, онамдай меҳрибон бу аёл билан видолашиш учун шошилдим. Унинг уйига иккинчи маротаба киришим эди. Аввал бундан икки йилча бурун нима иш биландир кирганимда мени кўярда-қўймай ҳозир ўзи ётган уйнинг бериги хонасига олиб кирган ва елиб-югуриб меҳмон қилган эди. Бугун эса мен унинг оқариб кетган мурдаси ёнида турарканман, (менда камдан-кам бўла-

диган) негадир кўз ёшларимни тиёлмасдим. Бу ҳолат ўзимга ҳам ғалати туюлмоқда эди. Чунки мен ҳаётимда жуда кўп мурдаларга дуч келдим. Бувим, бувам, амаким, кўп қаватли уйдаги тўртта-бештача қўшним ва ҳоказо...

Ҳар гал ҳаётнинг бу даҳшатли ўйини қаршисида ўзимни йўқотиб турсам-да, менинг бу ишга даҳлим йўқдай ўзимнинг ўлимим ҳақида ўйлаб ўтиришдан нарига ўтмасдим. Ҳатто бир гал катта аммамнинг менга эшиттириб қизини уришгани, “йиғла, одамлар кулиб кетади”, дея берган танбеҳини ўз қулоғим билан эшитганман. Ҳолбуки, қизи белларини боғлаб, дунёни бошига кўтараётган эди...

Қайсидир куни яқин бир танишимнинг уйига меҳмонга бордим. Ўта оққўнгил бу аёл билан олдинлари қандай суҳбат қурганимни ўйлаб даҳшатга тушдим. Чунки, у мен бу дунёда суҳбатлашсам бўладиган ягона аёл эди. Мен бу гал унинг уйида худди тўлғоқ тутаётгандай ўтирдим. Ҳатто хаёл сурсанг ҳам хаёлингни уқиб оладиган бу аёл негадир буни сезмаётган эди. Ниҳоят менинг хаёлларим унинг мурдасига урилиб портлаб кетди. Чунки, у мен кўз олдимга келтирган мурдалар ичида энг ёқимтойи эди.

## СУРАТ

Ёмғир ёғаётган эди... Мен Пушкиннинг суратини сотиб олдим: бор ашқол-дашқолларини сотиб ўтирган кекса кампирдан... Ёмғир ёғаётган эди. Суратни сумкамга яширдим. Ёмғирни ивитиб юбориши мумкин-да сурат. Икки қизимни эргаштириб олганча бахтиёр кетавердим йўлаklar ичидан. Ҳамма кўзимга Пушкин бўлиб кўринади. Ҳаммани яхши кўриб кетавердим. Аммо, менинг сумкамда нима борлигини ҳеч ким билмайди. Менинг эса тезроқ бориб хонамга кўрсатгим келади суратни. Хонамдаги бари даҳоларни ҳайрон қолдиргим келади. Ҳатто баъзиларининг ўтакаси ёрилиб ўлишини ўйлаб, мийиғимда кулиб қўяман. Чунки уйимда Дантес ҳам бор-да... Юрагим тирнайди. Ёмғир эса тинмайди... Ҳамма ўзи билан. У-бу нарсаларини тезроқ сотишсаю тезроқ уйга даф бўлишса.

— Ойижон, Пушкинни билмайдиганлар ҳам борми? — кичкина қизимнинг саволидан ўзимни йиғаман.

— Бор, қизим. Пушкинни назар-писанд қилмайдиганлар ҳам бор.

— Шунинг учун сотишдими унинг суратини?

— Пушкин бу суратни биз учун тушган. Шунинг учун, бу суратни бизга сотишди.

Ўртадаги бир растада мен олмоқчи бўлган кўйлакни бир арман аёли илиб кетади. Индамайман. Эгише Чаренцнинг ҳурмати. Ва яна сумкамда Пушкин бор, уяламан.

### ҚАРЗ

Менинг ёшлигимни қайтариб бер, Ҳаёт! Мен сендан кетаман. Қарзимни сўраб турибман эшигинг олдида. Сен эса эшитмаганга оласан. Мен ҳам Сендан ўрганган ақидамни қўллайвераман, эшигинг олдида сурбетларча туравераман — Сени чиқиб қолишингни кутиб. Барибир чиқасан-ку, тўғрими? Мени кетган дея гумонсираб, барибир чиқасан-ку...

Ўшанда оёқларингга йиқиламан. Йиғлаб ёлвораман: “Ёшлигимни қайтариб бер, Ҳаёт! Фақат сен ҳеч нарса сўрама... “Сен ҳам олган қарзларингни қайтар”, дема”. Менинг олганларим олдида сеники ҳеч нарса эмас... Уларни сўрай кўрма. Уларга тегма. Ахир менинг фарзандларим олдида ёшлигим нима деган гап!

...Ҳаёт, мени кечир. Ҳеч йўқ титраётган қўлларим ҳаққи, кундан-кунга нурсизланиб бораётган кўзларим ҳаққи, мени кечир. Мен сендан ҳеч нарса сўраганим йўқ. Сен ҳам сўрама...

## ЁЗАСАН, ДЕБ АЙТ

Сенга суяниб ўзимни кўтармоқчи бўляпман, зинҳор ўзингни олиб қочма... Таскин бер! Бугун ёзмасанг, эртага албатта ёзасан, деб айт. Ёзишимга мени ишонтир.

Менинг ҳаётимга сен шахдам қадамлар билан кириб келганинг йўқ, Сен мен билан бирга туғилгансан. Тўғри, Сен урушда бўлдинг... Мен курашларда омон қолдим. Йўлларим дўстларим ўйлаганчалик равон эмас. Баъзан йиқилиб ўлишга, баъзан ўлиб йиқилишга тўғри келади. Мен ҳар куни умримнинг қайсидир йиллари билан хайрлашгим, қайсидир йиллари томон кетиб қолгим келади. Оғир сукунати билан ўлимни эслатиб турувчи тирилтириш хоналарида Сенинг ёш томчилаган киприкларингга осилиб тирилганман. Бирдан тирилиб қолганимни кўрган шифокорлар ёқа ушлашгача боришган. Мен бутун

✦ борлиқни ўша кундан кейин яхши кўриб қолганман. Дарахтларидан тортиб қушларигача юрагимга қамаб қўйганман.

Дунё билан келишолмай қолган кунларим мен сенинг юрагингга рухсатсиз кирай, изн бер. Изн бер, Мен Сени олдингидан ҳам кўпроқ муҳаббат билан севай.

Мени асра. Ёлғон шеър ёзишимга йўл қуйма.

## ПУШКИН

40:0 Туғилган кунингиз билан табриклайман, Пушкин. Ўзимни туғилган куним каби қадрли бу кун. Ўзимнинг туғилган кунимдан ҳам азиз бу кун.

Ўша куни Қуёш куйиб кетган бўлиши керак. Осмон бир силтаниб олгандир. Оймомо жой топа олмагани учун қоронғулик ичита яширингандир...

Дантес нега туғила қолди, Пушкин? Илк бор рус тили муаллимимдан эшитдим Сиз ҳақингизда. Ва Сизни қидира бошладим. Йўқ, унча ҳам узоқ қидирганим йўқ. Чунки Сиз менинг хаёлларим ета оладиган ҳамма жойда бор эдингиз.

Муаллимим бир куни Сиз ҳақингизда гапираётиб, “Дуэл” деган сўзга қоқилиб кетди. Кўз косалари ичида бир зум айланиб, менинг нигоҳларимга тўқнашиб кетди. Мен эса қўлларим билан қулоқларимни бекитиб олдим...

Шу куни туни билан ухламай чиқдим. Тезроқ тонг отсаю мактабга бориб, муаллимдан Сиз ҳақингизда сўрагим келаверди...

Муаллим бу куни дарсга картина билан кириб келди. Бу мен ҳатто кўришга қўрққан, остига “Дуэл” деб ёзилган картина эди.

Шу куни менинг болалик тасаввуримга илк маротаба қора қон сачради. Ўлим кўзимга ёмон кўринди. Мен муаллимдан бир кунга уйга олиб кетиш учун картинани сўраб олдим. Деворга осиб аввал роса томоша қилдим. Картина кўзимга чапланиб кетди. Ўқ узаётган ким — билиб бўлмай қолди. “Пушкин ўлди, аммо, йиқилмади”, деди мени кузатиб турган синглим. Унинг қаҳқаҳасидан ўзимга келиб қарасам, қаро терга ботиб ётибман бир аҳволда. Иссиғим чиқиб кетган. Гумбурлаган ўқнинг овози мен томонга учиб келаверди.

Бироздан сўнг ўзимга келиб, панжаларим орасидан деворга қарадим: Пушкин.

Дантес эса йўқ. Пушкин Дантесни аллақачон уйдан ҳайдаб чиқарган эди...

Мен шу куннинг ўзида ҳаётимни Пушкин билан боғладим. Ўзимдаги барча муаммоларни Пушкин билан еча бошладим. Ҳамма нарсага “Пушкиннинг олдида нима бўпти!”, дейдиган, “Пушкин бор жойда унга нима бор?” қабилида иш кўрадиган бўлдим. Ҳаётимнинг Пушкиндан бошқа ҳамма ёзувларини чизиб ташладим.

## ЁЗУВ СТОЛИМДА

Кеча врач ёзиб берган дорилар рўйхати ёзув стolim устига қандай тушиб қолди — билмайман. Худди атайлаб қилингандай, кимдир келиб қўйиб кетгандай асабимни ўйнамоқда бу қоғоз.

Нима бўлганда ҳам тўғри эмас. Келиб-келиб ҳозир-а... Юрагим буюклик даъво қилаётган бир пайтда-я? Жинимдан баттар ёмон кўрадиган одамлар ҳақида хаёл суришга ўхшамайдими бу ахир? Яна қаерда турибди денг — Пушкиннинг сурати билан Цветаеванинг китоби ўртасида. Мен

қоғозни майдалаб ташладим. Умримни узайтириш учун дори ичишдан воз кечдим.

## БУ МЕНИНГ ҲАЁТИМ

География дарси тугагандан сўнг Бельгия ўрмонлари ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Кўзимга осмонўпар дарахтлар, уларга тиллақош каби осилиб турган олмахонлар, бўрилардан қочиб юрган, ўтақаси ёрилаёзган қуёнлар келарди. Айниқса, менга ўрмонни бошига кўтариб, ўкириб чиқиб келаётган шерлар ёқарди...

Шундай пайтлар дарсга кириш учун чалинган қўнғироқларнинг овозидан учиб тушардим. Бир-бирларига ҳар хил ҳазиллар қилиб, сув сепиб юрган синфдошларимни кўриб эса, ўрмон аллақачон эсларидан чиқиб кетганига ҳайратланардим.

Йўлнинг икки четидаги пастак дарахтларни (менга шундай кўринарди география дарсидан кейин) Бельгия ўрмонзорларидаги баланд-баланд дарахтларга солиштириб уйга қайтардим. Елкамга ботиб кетган оғир сумкамни кўтарганча уйга кириб келсам, синглим чап қўлдаги телевизори бор уйга чопиб, алланарсани олиб чиқди-

❖ да, онамнинг орқасига яшириниб менга кўз-кўз қилиб ея бошлади.

Бобомнинг вафотидан кейин аза кўйлагини ҳали ечмаган ойим чўнтагидан нимадир олиб, менга ҳам узатади. Бу устига қуённинг сурати туширилган ирис конфети эди. Менинг жуда хурсанд бўлиб кетишимни кутган ойим индамай қўяқолганимни кўриб, ирис берганига пушаймон бўлгандай ошхонага кириб кетади. Тўғрида, ирис емаганимга ҳам анча бўлган.

40:0 Ичкарида жойлашган ўзимнинг кичкина хонамга киришим билан ортимдан қўлида қалам ва ўчирғич кўтарганча синглим кириб келади. У менинг ирисни еб қўйишимдан қаттиқ чўчиган бўлса керак, улгуриш учун терлаб ҳам кетганди.

— Алмаштир, — дейди ирисдан кўзини олмай.

Менга қалам билан ўчирғич ниҳоятда зарурлигини синглим қаердан била қолди экан? (Бугун ўрмоннинг расмини чизмоқчи эдим.) Лекин ирисни ҳам егим келаётганди-да. Ҳа, майли, қалам билан ўчирғич кўпроқ керак! Синглимга қўлимни узатсам, у ҳам менга қўлини чўзди. Аввал ирисни ❖ қўлига олиб, кейин қўлидагиларни менга

берди-да, ирисни қоғозидан бўшатиб, шундай ея бошлади-ки, умрбод кўзимнинг олдида қолди! Ундан ҳам кўра менга таъсир қилгани бошқа нарса эди. Кийимларимни алмаштириб энди ҳовлига чиқаётсам, қўлида қалам, ўчирғич, чиройли гуллар ва қушларнинг суратлари туширилган расм дафтари билан ойим кириб келсалар бўладими? “Ялт” этиб синглимга қарасам, синглим аллақачон ирисни еб бўлган кўйи менга тиржайиб турибди.

Кейин маълум бўлишича, онам синглим билан шаҳарда яшайдиган опасиникига боришган ва йўл-йўлакай ўқув қуроллари сотиладиган дўконга кириб, у-бу нарсалар харид қилишган. Ҳеч нарсадан қуруқ қолмайдиган синглим ҳам хархаша қилиб қалам билан ўчирғич олдирган. Ирисга келсак, онамнинг опаси болаларингга берарсан, деб бир кафт ирисни онамнинг чўнтақларига солган, синглим эса онамнинг тишинг оғриб қолади, дейишларига қарамай йўл-йўлакай еб келган экан...

Куни бўйи синглим кўзимга ёмон кўринди. Куни бўйи қуённи тутмоқчи бўлган бўридай хезланиб юрдим. Наргиз ҳам ўз айбини билиб, мендан қочиб юрди.

Кечга томон телевизорда намойиш этилган табиат мавзусидаги кўрсатувгина кўнглимдаги губорни туман каби тарқатиб юборди. Унда ўрмонда бўлаётган воқеалар намойиш этилаётган эди.

Шерлар бир-бири билан уришаётган, илонлар жамики майда жонзотларни еб битираётган, мен номларини билмайдиган қайсидир ҳайвонлар қайсидир ҳайвонларни тишларида эзгилаганча оғзиларидан қон томиб чопиб кетишаётган эди...

Эрталабдан буён хотирамдан чиқаролмаётганим — ўрмон кўзимга жуда ваҳший бўлиб кўринди. «Кеча газетадан ўқидим, Россия ўрмонларида бўрилар кўпайиб кетган эмиш», — дедилар дадам телевизордан кўз узмай.

Қарасам, ҳозиргина бидирлаб турган синглим кўрпача устида ғужанак бўлиб ухлаб ётибди.

Ойим қарамай турган пайтларида билдирмайгина юзидан ўпиб қўйдим.

## ЕСЕНИН

Пушкин билан уришиб кетмасмикан Есенин? Туни бўйи мижжа қоқмайман. Икки портретга қараб чиқаман.

Есенинни уришқоқ бўлган деб эшитганман-да, ахир. Аммо, менинг уйимдаги Есенин ҳечам уришқоқ эмас. Мен уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганман. Фақат Есениннинг чилим чекаётган қилиб тасвирлаган рассом озгина хато қилган. Чунки Есенин чилимсиз ҳам чиройли кўринади.

Мен уни сотиб олган куним унинг учун Пушкиннинг ёнидан жой ажратдим.

Иккаласи ҳам бир томонга қараб турган портретлар ёнига ўзимнинг портретимни осиб қўйиб, (узоқдан худди бошқа биров қараётган каби) томоша қилдим. Қизиқ, менинг суратим ҳам улар қараётган томонга жилмайиб қараб турарди.

Пушкин ва Есениндан кўра анча ёш пайтимда тушган бу суратим уларнинг бефарқ қолдирмаслигини ўйлаб ғурурланиб қўяман.

Барибир Пушкин анча мағрур эди. Ҳабашлиги бор-да... Унга қарасам ҳам кўзим куйиб кетади. Есенин эса анча содда. У бечора бекорга ўйинчи қизни севиб қолмаган-да... Ичимда нимадир кўзғалаётганини сезаман. Ким биландир урушгим келади.

## ОСМОН

Нега учаётган юлдуз ерга тушмайди? Сен мени фан билан алдамоқчи бўласан. Нима?.. Йиғлаяпманми? Йиғлаган бўлсам, шунчаки йиғлаяпман. Сени деб эмас. Кўзларимга тўлган ёшлар — ўша сен билмай учириб қўйган юлдузлар. Сен эҳтиётсизсан. Қўлингда турган нарсани хоҳлаган вақтингда ташлаб юбораверасан. Бу ўйин сенга ёқадигандек туюлади менга. Мен ҳам сендан ўргандим шекилли, қанча ҳаракат қилмай кўзимдаги ёшларни тўкиб қўявераман оёқларинг остига.

## СИЗ ОҚИБАТЛИСИЗ, МАРИНА!

Марина, бугун осмон менинг кўнглимга қараб иш тутди: қор ёғаяпти. Менинг кўнглимга ҳамоҳанг ёғаяпти. Менинг кўнглим билан баробар ёғаяпти. Сингиб кетгим келяпти қорга... Сизнинг кўролмаётганингиздан афсусдаман. Балки кўраётгандирсиз, руҳлар ўлмайдилар-ку, ахир.

Капалакка ўхшаб ёғаётган қор ичида туришим ўзимга ёқиб тушди. Шу тобда қорнинг ҳеч қачон, ҳеч қачон тинмас-

лигини хоҳлаяпман. Сиз билан гаплашгим келиб қолди. Уйга чопдим. Сизни чорладим. Бир зумда етиб келдингиз.

Уйда иккимиз: Сизу Мен, Мену Сиз. Бошқа ҳеч ким йўқ. Стол устидаги қаҳвалардан буғ кўтарилади. Сиз қаҳвани яхши кўрардингиз-ку... Аллақаердан таралаётган чироқнинг хира нури стол устида бетартиб ётган китобларни-да ёритади. Пастернак... Марина, мен эса... тирноқларингизни томоша қиламан — чиройли ўстирибсиз. Мени қараб турганимни кўриб чашка ушлаб турган қўлларингиз хиёл титраб кетганини сездим. Кўзларимиз, юракларимиз бир-бирига талпинаётгандек эди, гўё. Улар тонгларни бедор этадиган суҳбатларга муштоқ эди.

Ёпинчиғингизни елкангизга ташлаганингизни кўриб, шошаётганингизни англадим. Беихтиёр шкафни очдим... Мени кузатиб чиқмоқчи эканимни сездингиз, назаримда, пошналаригача нур таратиб турган оппоқ этикчаларингизни кийиб, менга нимадир демоқчи бўлдингиз. Мен эса Сиздан кўзларимни узолмасдим. Тўғрироғи, Сизнинг кетишингизни истамаётган эдим. Сиз эса югурганча зиналардан

40:0 \* шошиб тушиб кетдингиз. Билдим, Марина, Сизни кўчада Пастернак кутиб турарди...

Парда ортида яширинганча деразадан пастга бўйладим. Сиз чиндан ҳам Пастернак билан кетиб борардингиз. Мен шошиб деразани очдим. Икковингиз ҳам бир пайтда менинг деразамга қарадингиз. Сиз нега кетаётганингизни англатмасдан, уйимдан шошиб чиққанингиз учун хижолат чеккандай қизариндингиз. Кейин эса Пастернакка алланималарни шивирлаб, менга ҳозиргина нигоҳимни узолмаётганим — бармоқлари узун-узун нозик қўлчаларингизни силкитдингиз. Англадим, Сиз қайтасиз.

Марина, Сиз жуда бахтли эдингиз. Мен Сизни ҳеч қачон бундай бахтиёр кўрмаган эдим. Йиғлагим келди. Ахир, бахтли бўлишга ҳаққингиз бор экан-ку, Марина.

\*\*\*

Марина, “Дераза ортида кимгадир илҳақ одам ўтиради”, деб ёзган эдингиз бир китобингизда. Шу гапингиз ростми?

\* Агар рост бўлса, кимни кутиб ўтирибман тонгдан то шомгача? Қор ҳам ёғаётгани йўқ. Ёмғир тинган. Дарахтлар ҳам томоша

қиладиган аҳволда эмас. Шу топда мендан ҳам ғариб кўринади. Нега унда деразанинг ёнидан бир қадам ҳам силжигим келмайди? Дунёдан узилиб қолишдан кўрқишми бу? Мени ташқи дунё билан нима боғлаб турибди?

Боғлаб турган нарсa борми ўзи? Бўлса унинг оти нима?

\*\*\*

Китобим орасидан бир мактуб топиб олдим. Қўл билан ёзилган, ҳатто тузатишга ҳам улгурилмаган мактуб...

Эсладим, мен уни ўтган йили баҳорда ёздим-у, эгасига ҳам топширолмаган эдим.

“Дунёда Мен-у Сиздан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳеч ким бўлмагандай гўё... Кўйлакларингизни ювиб, дорга илмоқдан қанчалар завқ олаётганимни билсангиз эди... Уйимизнинг тўғрисида солланиб турган дарахтлар атайлаб биз учун экилгандай... Ҳа, ҳа, Биз учун экилган улар... Қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар, дунёни ҳеч қачон Сизсиз тасаввур этолмаганман. Ишонинг, кўзларим қаърига ботиб бораётган сурату сийратингиз бунга ҳеч қачон имкон бермаган. Аммо менинг яхши кўришимга

40:0

шубҳа билан қарашингизни сезаман. Бу менга ҳақоратдай туюлади...”

\*\*\*

Марина, ўйчан тикилиб турганингизни кўриб, савол беришга ботинаман: “Ёшингиз нечада, қачон, қаерда туғилгансиз?” Сиз киприкларингизни оғир пирпиратганча юзингизни дераза томон буриб олдингиз. Мендан юз ўтирдингиз. Чой совиб қолди. Ширинликка қарамайсиз ҳам... Ўрнингиздан турганингизни кўриб маъюс термуламан. Сиз индамай кетиб борасиз.

Сизга етиб олмоқ илинжида Сиз томон чопиб бораман. Аммо етиб улгурмасимдан дуч келган автобусга чиқиб оласиз. Ойнадан мени кузатаётганингизни кўриб, кўнглим жойига тушади. Қувониб кетаман. Қўлларимни силкитаман. Сиз ҳаволарга нимадир ёзасиз. Ўқишга тутинаман. “1971 йил. ОЛМОС”. Нафасим ичимга тушиб кетади. Нега шундай, Марина? Ёшингиз эсимдан чиқиб кетган. Аниқ биламан, миллатингиз... ўзбек... Сизнинг... Хафа бўлманг, эҳтиётсизлик қилдим: миллатингиз йўқ сизнинг...

Ҳақиқий шоирнинг миллати бўлмайди, ёши ҳам. Сиз менинг қизимга ҳам тенг-

дошсиз, набирамнинг набирасига ҳам тенгдошсиз... Мени кечиринг, Марина.

Ўзимни бир жойга йиғиб ҳаёт томон талпинаётган ва бир пайтнинг ўзида нимасидандир айрилаётган, ўлаётган одам каби ортингиздан ўзимни отаман. Сиз йўқ... Автобус кўз илғамас олисликка сингиб борарди...

\*\*\*

Марина, китоблар ёлғон айтган: Сиз ўзингизни ўзингиз ўлдирмагансиз. Сизни ўлдиришган — Сиз ўлмагансиз. Бу ҳолат қайта-қайта такрорланган ва бунга ўзларининг ҳам кўзлари етгач, индамайгина қўл силтаб қўйишган. Сиз ҳаётдан зериккан вақтларингиз Серёжа ва Алядан мадад оласиз. Дарахтларга суянасиз. Осмонларга чиқиб, ҳаволарга айланасиз. Бутхона ва ҳаттоки, эчкиларингиз ҳам эсингиздан чиқмайди.

Сиз оқибатлисиз, Марина!

## МУНДАРИЖА

|                                                 |    |
|-------------------------------------------------|----|
| Ҳаёт .....                                      | 5  |
| «Яхшиям боғланиб қолганман шеърға...» .....     | 6  |
| «Кўзимнинг ёшлари ювиб ғуборни...» .....        | 7  |
| «Ўзига келолмай шамол ер ичин...» .....         | 8  |
| Онам .....                                      | 9  |
| «Худоданми — Фалакдан...» .....                 | 10 |
| Ёз .....                                        | 11 |
| «Ғийбатчи кун қия ясаркан қилдан...» .....      | 12 |
| «Ер тирнаб, ўзини ўлдириб итлар...» .....       | 13 |
| «Босганда ер юзини...» .....                    | 14 |
| «Бу дунёни назарга илмай...» .....              | 15 |
| «Тезроқ ота қолса тонг...» .....                | 16 |
| «Оғринмай суярди ёшу қарини...» .....           | 17 |
| «Турар афти буришган тўнка...» .....            | 18 |
| «Қўрқмайман. Бу фалак чархласа чархин...» ..... | 19 |
| «Шамол аччиқланиб гоҳ...» .....                 | 20 |
| «Қийналса ҳам асло чўкмас тиз...» .....         | 21 |
| Ёнғоқ .....                                     | 22 |
| «Дуч келгандай илк дафъа хатар...» .....        | 23 |
| «Агар индамасанг қўйиб ҳолига...» .....         | 24 |
| «Кетаман ҳаётдан йўлимни буриб...» .....        | 25 |
| «Боқиб боғнинг рангу рўйига...» .....           | 26 |
| «Шамол кучли эсди... Ва ёмғир...» .....         | 27 |
| «Ҳатто қўлим бормас қувишга...» .....           | 28 |
| «Кетгандим ҳаётнинг ичига кириб...» .....       | 29 |
| «Иш қизиди...» .....                            | 30 |
| Анҳор .....                                     | 31 |
| «Бўлди. Етар. Энди мени тупроқлик қил...» ..... | 32 |
| «Мана, қўрқмасликни ўргандим энди...» .....     | 33 |
| «Сўрамайди тун ижозат...» .....                 | 34 |
| «Во дариг!...» .....                            | 35 |

|                                                |    |
|------------------------------------------------|----|
| «У ҳаётнинг ёз-у қишида...» .....              | 36 |
| «Бир ҳамла қилсам бас...» .....                | 37 |
| «Айтсам ишонмайсан — борман ҳали ҳам...» ..... | 38 |
| «Юлдуз — тунга санчилган ўқ...» .....          | 39 |
| «Нимадир янгилик борми “ярқ” этган?...» .....  | 40 |
| «Шифтда қалдирғочлар ёймоқда қулоч...» .....   | 41 |
| «Кўзларимдан дув-дув оқиб ёш...» .....         | 42 |
| «Ҳаёт олиб кетар... Мени ҳам...» .....         | 43 |
| «Бутун кекса дарахтлар учун...» .....          | 44 |
| «Беҳиларни саваласа тун...» .....              | 45 |
| «Йўл бошида турган кекса тол...» .....         | 46 |
| «Жимиб кетар шамол анча пайт...» .....         | 47 |
| «Шу ҳам гап бўптими...» .....                  | 48 |
| Баҳор .....                                    | 49 |
| «Икки ёнга ағдариб тунни...» .....             | 50 |
| «Жонга тегди, тўғриси, шеър ҳам...» .....      | 51 |
| Куз .....                                      | 52 |
| «Ҳали қолар музлар ҳам эриб...» .....          | 53 |
| «О, бунча тез чиқмаса жаҳлинг...» .....        | 54 |
| «Томирларда жўш урар ғазаб...» .....           | 55 |
| «Эрта кийиб оппоқ либосни...» .....            | 56 |
| «Ҳамма ҳовлиларга суқиб кўрар бош...» .....    | 57 |
| «Ўтаркан ой, ўтаркан йил ҳам...» .....         | 58 |
| «Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши...» .....       | 59 |
| «Тонгда Апрель юрар от миниб...» .....         | 60 |
| Шамол .....                                    | 61 |
| «Яна менга бу қандай зарб...» .....            | 62 |
| «Кўнглим жойига тушарди...» .....              | 63 |
| «Чақирганда — вақтинг борми...» .....          | 64 |
| «Кўзимга нур тушиб — титради таним...» .....   | 65 |
| «Фалак ҳам эгтиси келмайди буйин...» .....     | 66 |
| «Эрталабдан ўчиб ранг-қути...» .....           | 67 |
| «Узилмасдан турарми ришта...» .....            | 68 |

|                                               |     |
|-----------------------------------------------|-----|
| «Қаерга борайин — чекиб оҳ-фаред...» .....    | 69  |
| «Гоҳ хушлаб-хушламай очса ҳам қучоқ...» ..... | 70  |
| «Ернинг бўйи Осмонга етди...» .....           | 71  |
| Ҳаётга .....                                  | 72  |
| «Кўксимдан суғуриб бўлмаса ёйни...» .....     | 73  |
| Дарахт .....                                  | 74  |
| «Йил бўйи нимадир қилгандай ҳумор...» .....   | 75  |
| «Қачондир шу ерда бор эдим мен ҳам...» .....  | 76  |
| «Қўнса ярадор қушдай...» .....                | 77  |
| «Жуда қариб қолган. Яна бир ўзи...» .....     | 78  |
| «Шамол ҳар кун келар шошилиб...» .....        | 79  |
| Атиргулга насиҳат .....                       | 80  |
| «Кетаверсам яхшимасмиди...» .....             | 81  |
| Ёз .....                                      | 82  |
| Эркин шеър .....                              | 83  |
| «Шамол эсиб сукут бўлинар...» .....           | 84  |
| «Бекатларда қолдириб бизни...» .....          | 85  |
| Ёз .....                                      | 86  |
| «Тушуниб бўлмайди фаслларни ҳеч...» .....     | 87  |
| Ҳаётга .....                                  | 88  |
| «Мени элдан чиқарди Ҳаёт...» .....            | 89  |
| «Саҳардан юрагим кетди зирқираб...» .....     | 90  |
| «Боши ҳам осмонга етди-ку кўкнинг...» .....   | 91  |
| «Боргунимча артиб бўласан чангни...» .....    | 92  |
| «Дунё, рўпарангда турибман шундоқ...» .....   | 93  |
| «Вақт орқада қолар кимдан...» .....           | 94  |
| Янги фасл .....                               | 95  |
| «Шукур-ку, Худонинг берган кунига...» .....   | 96  |
| «Шу билан етдими умр сўнгига...» .....        | 97  |
| «Гўё икки қўллаб ёпишгандай дард...» .....    | 98  |
| «Ё ҳаёт, юзимни сидириб пастга...» .....      | 99  |
| «Бекорга бермаган ерга бағрини...» .....      | 100 |
| «Бола юлдузларнинг ирғишларидан...» .....     | 101 |

|                                                 |     |
|-------------------------------------------------|-----|
| «Ёнида турганда оппоқ тунларнинг...» .....      | 102 |
| «Барибир дунё қурқоқ...» .....                  | 103 |
| «Қон босимим ошди...» .....                     | 104 |
| «Эс-хушини йўқотиб тонгдан...» .....            | 105 |
| «Азизим, дунёнинг бўлгани шуми...» .....        | 106 |
| «Кимдир кўкка қараб ўқ узди...» .....           | 107 |
| «Энди ич-ичига жойландим шеърни...» .....       | 108 |
| «Энг сўнгги пайтда ҳам юрак келди қўл...» ..... | 109 |
| Куз .....                                       | 110 |
| «Қизалоқдай чопиб, ўйноқлаб...» .....           | 117 |
| «О, сенинг қўлларинг...» .....                  | 118 |
| «Айлантирди бўрига зуғум...» .....              | 119 |
| «Бир кунда ўзгарди боғнинг ҳусни ҳам...» .....  | 120 |
| «Ҳар қандай шамолга ишонасан Сен...» .....      | 121 |
| «Тилимга ўрнашиб қолган бу исм...» .....        | 122 |
| «Ҳаёт!...» .....                                | 123 |
| «О, сенинг келганинг кетди бесамар...» .....    | 124 |
| «Ҳаёт қирқинчи бор мени этар чоп...» .....      | 125 |
| «Айриб бўлмас этни тирноқдан...» .....          | 126 |
| Дарахт .....                                    | 127 |
| «Фойдаси бормикан бу уринишнинг...» .....       | 128 |
| «Ернинг жони тош каби дағал...» .....           | 129 |
| «Кушлар еб битирди...» .....                    | 130 |
| Дарахтлар .....                                 | 131 |
| «Ойни қучиб кўкка қарадинг...» .....            | 132 |
| «О, ўтган бўлмасин йиллар орадан...» .....      | 133 |
| «Кўрқиш керак — бўлмаса каминг...» .....        | 134 |
| «Қир-адир бўлса ҳам майли — тап-тақир...» ..... | 135 |
| «Кўрқма, мен ҳам одам боласи...» .....          | 136 |
| «Дарахтларнинг кўпроқми сабри...» .....         | 137 |
| «Ўрнимга қўйиб кўр ўзингни бир зум...» .....    | 138 |
| «Ҳаёт ташлаб қўймас ҳеч кимни...» .....         | 139 |
| Дарахтлар .....                                 | 140 |

|                                                |     |
|------------------------------------------------|-----|
| «Бошим узра ёйилади кўк...» .....              | 141 |
| «Кўк бағрида турибман тушмай...» .....         | 142 |
| «Дарахтлар ҳаётни ўрганар осон...» .....       | 143 |
| «О, Сен нима хаёлга бординг...» .....          | 144 |
| «Сени қанча яхши кўрмайин...» .....            | 145 |
| «Денгизни севсам ҳам...» .....                 | 146 |
| «Қуриб кетсин боғнинг...» .....                | 147 |
| «Бир денгизнинг устида сўри...» .....          | 148 |
| «Мен-ку сира очмайман лабим...» .....          | 149 |
| «Ё менинг боғларга тегдими кузим...» .....     | 150 |
| «Тутмагин бу зиндон аҳлига осон...» .....      | 151 |
| «На кун бордир...» .....                       | 152 |
| Тун .....                                      | 153 |
| «Мободо қайдадир келсак юзма-юз...» .....      | 154 |
| «Тўғри келиб қолса узоқ яшашга...» .....       | 155 |
| «Ҳеч йўқ бир кун аввал...» .....               | 156 |
| «Киприк қоқмай чиқар тун бўйи...» .....        | 157 |
| «Қарайсан!...» .....                           | 158 |
| «Бир қуш кетолмасдан қолди...» .....           | 159 |
| «Ҳар куни шу...» .....                         | 160 |
| «Вақтинг ҳам йўқ...» .....                     | 161 |
| «Куз келди...» .....                           | 162 |
| «О, бунча умр узун...» .....                   | 163 |
| Шамол .....                                    | 164 |
| «Қор...» .....                                 | 165 |
| «Ўзим билмай қаергадир кетиб бораман...» ..... | 166 |
| «Уриб турган билан юраклар...» .....           | 167 |
| «Худди кўпни кўрган кишидай вазмин...» .....   | 168 |
| «Қўш кўринар кўрққанга...» .....               | 169 |
| «Нимадир бўлдим рўйи заминда...» .....         | 170 |
| Ҳассали одам .....                             | 171 |
| Тонг .....                                     | 172 |
| Эшик .....                                     | 173 |

|                                                             |     |
|-------------------------------------------------------------|-----|
| Ёмғир .....                                                 | 174 |
| «Овора бўляпман...» .....                                   | 175 |
| «Юзимга югуриб қолди қизиллик...» .....                     | 176 |
| Ноябрнинг яна бир тонги .....                               | 177 |
| «Йўлга қатор тизилди толлар...» .....                       | 178 |
| «Хўрсилади кетадиган вақти бўлиб...» .....                  | 179 |
| Гуёки мен кетсам... .....                                   | 180 |
| «О аниқ, нимадир бўлган осмонга...» .....                   | 181 |
| «Бўлди мана энди...» .....                                  | 182 |
| «Бақириб-чақиргим келса ҳам — жимман...» .....              | 183 |
| Қабрдаги ёзув .....                                         | 184 |
| «Илдизи чириган дарахт қулади...» .....                     | 185 |
| «Кузатма ортимдан...» .....                                 | 186 |
| «Ҳаёт, Сенинг кунинг беҳатар...» .....                      | 187 |
| «Ўрганиб ҳам кетдим...» .....                               | 188 |
| <b>Мен қаерга жойлашганман?(Кундаликдаги қайдлар)</b> ..... | 189 |
| Жуда хорғин эди у... .....                                  | 190 |
| Тўлғоқ .....                                                | 199 |
| Сурат .....                                                 | 201 |
| Қарз .....                                                  | 202 |
| Ёзасан, деб айт .....                                       | 203 |
| Пушкин .....                                                | 204 |
| Ёзув столимда .....                                         | 206 |
| Бу менинг ҳаётим .....                                      | 207 |
| Есенин .....                                                | 210 |
| Осмон .....                                                 | 212 |
| Сиз оқибатлисиз, Марина! .....                              | 212 |

2800 с.ч.  
81.2  
P21

Рустамова, Хосият.  
40:0 / Х.Рустамова; Т.: Istiqlol, 2011. —  
224 б.

УДК 821.512.133-1

ISBN 978-9943-308-33-6

ББК 81.2

***Хосият Рустамова***

**40:0**

*Шеърлар*

*Тошкент — «Istiqlol» — 2011*

Муҳаррир ***Жаббор Раззоқов***  
Мусаввир ***Баҳриддин Бозоров***  
Мусахҳиҳ ***Наргиза Атабаева***  
Саҳифаловчи ***Суннат Пулатов***

Нашриёт лицензияси А1 №088, 15.03.07 й.  
Теришга берилди 01.12.2011 й. Босишга рухсат этилди  
14.12.2011 й. Таймс Тад гарнитураси. Бичими 60×84 1/12.  
Ҳажми 7,0 б.т. Офсет қоғози. Адади 10000 нусха.

«Istiqlol» нашриёти, Тошкент ш., 100129,  
Навоий кўчаси, 30-уй.

«Istiqlol» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй. Буюртма № 22.